ТЕРИМДА ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ УЧУН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 217 (13.479).
23 СЕНТЯБРЬ 1966 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Беш йилликнинг дастлабки босқичини муваффақиятли бошлаган Сирдарё области меҳнаткашлари илк ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар яқинда яна бир зафар қучдилар. Давлатга жун топшириш йиллик плани муддатидан анча илгари бажарилди. Тайёрлов пунктларига 2.300 тонна ўрнига 2.345 тонна сифатли жун етказиб берилди.

Қўриқ ер области чорвадорлари пландан ташқари жун сотишни давом эттирмоқдалар.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари жун сотиш давлат план — заказини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 11,7 минг центнердан кўпроқ хом ашё етказиб берилди. Юқори Чирчиқ, Орджоникидзе ва Урта Чирчиқ районларидаги хўжаликлар топшириқни анча ошириб адо этдилар.

«Ташплемсовхоз» чорвадорлари жун қирқишда айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг механизаторлари машинада пахта териш йиллик планини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажардилар. Агрегатларнинг бункерларидан 850 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкилди.

Қашқадарё областида кузги жун қирқими жадал боряпти. Яккабоғ район чорвадорлари 1064,3 центнер жун сотиб, йиллик планни бажардилар. «Ленинизм», «Марксизм» колхозлари, «Авангард» совхози бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Қамаши районидаги «Марксизм» колхози 480 ўрнига 500 килограмм, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз 640 килограмм жун топшириб, йиллик планни муддатидан олдин адо этдилар.

З. ИСРОИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

У. ИСМАТОВ,
Бухоро область, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг директори.

Давлатимиз барча пахтакор хўжаликлар сингари совхозимизга ҳам беҳад катта моддий-техника ёрдами кўрсатяпти. Кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит, қурилиш материаллари, ер казиш агрегатлари оляпмиз. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади», деган нақл бор. Давлатимиз кўрсатаётган бу ёрдамга совхозимиз коллективи моддий бойликлар, жумладан, пахта етиштиришни кескин кўпайтириш билан жавоб беряпти. Бизда давлатга қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етказиб бериш планларини сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш одат тусига кирди. Ниҳоят, кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган ишлар машиналар гарданига ортилди.

Янги беш йилликнинг биринчи босқичи — 1966 йилда совхозимиз коллективи олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. Она-Ватанга 12 минг 500 тонна «оқ олтин» сотишимиз керак. Ҳосилнинг чўғи, меҳнат аҳлининг ташаббускорлиги бу мажбуриятни ошириб бажариш мумкинлигидан далолат бераётир. Шу кунларда хўжалик бўйича йиллик планнинг бир ярим процентидан ошириб пахта тайёрлаяпти. Бу кам, албатта. Лекин бир ярим процентлик рақамни икки ярим, уч процентга кўтариш, ундан ошириб юбориш учун ҳам шарт-шароит мавжуд. Мен шу ҳақда фикр юритмоқчиман.

Биз мавжуд ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»ларда териб олишни планлаштирдик. Шунга яраша тараддуд ҳам кўрилди. Янгидан 16 терим машинаси харид қилинди. Бу йил далаларимизда жами 94 та машина ишлайди. Механик-ҳайдовчи кадрлар сафи кенгайтирилди, уларни қайта ўқитиш йўли билан тажрибаси оширилди. Ўтган мавсумнинг бой тажрибаси ҳисобга олиниб, энг йирик ва юқори ҳосилли карталар машина теримига ажратилди. Пахта ташишга тележка ва бошқа хил транспорт воситалари шайлаб қўйилди.

Бироқ ғўза баргини сунъий усулда тўкишга келганда жиддий камчиликка йўл қўйилди. Заҳарли химикатлар сифатсиз тайёрланиши, ундан фойдаланиш қоидасига риоя қилинмаслиги ва бошқа нуқсонларга йўл қўйилиши туфайли баргнинг тўкилиши кечикди. Бу орада ғўза қатор ораларида бегона ўт ҳам ўсиб қолди. Юқори партия ва совет ташкилотлари бу камчиликни кўрсатиб қаттиқ танбеҳ берди. Биз танқиддан тегишли хулоса чиқариб олдик. Оператив чоралар кўрилиши туфайли камчилик бартараф этилди. Ҳозир машина теримига ажратилган карталарда барг тўкилиб бўлди, кўсакларнинг 60-65 процентдан зиёдроғи очилди. Бегона ўт йўқотилди. Машина терими оммавий равишда бошлаб юборилди.

Бу йил хўжалигимиз бўйича машина бункерларидан ўтган йилдагига нисбатан 1000 тонна кўп пахта тўкилади. Мирзо Дўстов, Усмон Қўлдошев, Яҳё Паноев, республикада хизмат кўрсатган механизатор Муяссар Барноева, Турди Гадоев, Қаландар Жумаев каби механизаторларимиз мавсумда 100-120 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз бердилар. Яқинда район партия комитетининг бюро мажлисида «механик-ҳайдовчиларнинг ҳаммаси мавсум нормасини бажарадими?», деб сўраб қолишди. Мавсум нормасинигина эмас, мажбуриятини ҳам ошириб бажарадилар дедим. Бунинг сабаби бор. Далада ҳосил мўл, машиналар гуриллаб юряпти. Энг муҳими — механизаторларимизнинг сўзи билан иши бир. Сўз бердими — устидан чиқади, мажбурият олдими — бажаради! Бу партия ташкилотлари омма орасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг самараси, одамларда меҳнатга бўлган онгли муносабат ўсиб бораётганининг натижасидир.

Теримда машиналар тобора устунликни эгаллаяпти, келажак ҳам машиналики! Бунга асло шубҳа йўқ. Лекин теримчиларнинг меҳнатини ҳам юксак қадрлашимиз керак. Чунки улар кунни тунга улаб тер тўкаётган, граммлардан килограммлар, центнерлар, тонналар бунёдга келтираётган меҳнатсевар кишилардир. Мен шулардан бир нечасининг номини фахр билан тилга оламан.

Мукаррам Бобоева, Режаб Отаева, Муяссар Очилова, Қанд Чориева, Иқлима Ўроқова ва бошқалар. Уларнинг ҳар бири кунига 150 килограмм ва ундан ошириб пахта теряпти. Биз ана шу чеварларни кўп пахта тергани, кунлик графикни ошириб адо этгани учунгина эмас, терган пахтасини фақат биринчи сортга топшираётгани учун ҳам ҳурматлаймиз. Ҳамма ҳосилни биринчи сорт билан давлатга сотамиз! Кун тартибига ана шу шиор қўйилган. Механик-ҳайдовчилар ҳам, теримчилар ҳам пахтани ифлослантирмаслик, хом пахтани термаслик, сортини бузмаслик учун қаттиқ кураш олиб бораётирлар. Биринчи сорт пахта учун кураш бутун жамоатчиликнинг жонажон ишига айланди.

Совхоз маъмурияти ва партия комитети терим суръатини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар белгилаб, изчиллик билан амалга ошираётир. Пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш бўйича беш кунлик, ўн кунлик график тузилиб, барча бригада ва бўлимларга етказилди. Бунда мавжуд ишчи кучлари, техника воситалари, ёрдамчи материаллар, ички имкониятлар тўла ҳисобга олинди. График механизатор ва теримчиларга қадар етказилиб, кунлик нормани тўла ва ошириб бажариш фарз ва қарз эканлиги уларнинг онгига сингдирилди. Графикнинг бажарилиш якуни ҳар куни муҳокама қилиб борилади. Пешқадамлар рағбатлантирилиб, сусткашлар тартибга чақирилади.

Кўсакларнинг очилишига қараб нормани ўзгартириб боряпмиз. Масалан, ҳозирча бир терим машинасига 2 тонна норма белгиланди. Икки механик-ҳайдовчи ишлаганда 4 тонна пахта теради. Икки тонналик нормани уч тонна қилиб бажарган механизаторга графикдагидан ортиқ терган бир тонна пахтаси учун 20 процент қўшимча ҳақ тўланади. Ҳар бир механик-ҳайдовчи бир кунда 18 сўмгача иш ҳақи оляпти. Моддий манфаатдорлик принципининг кучайтирилиши терим суръатини кўтаришга салмоқли таъсир кўрсатаётир. Бу метод теримчилар орасида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бизда карталар йирик, уларнинг икки четидан машиналар айланадиган майдончалар тайёрланган. Шу сабабли «зангори кема»лар группа усулида ишлатиляпти. Бир пайкалда саккизтагача машина жавлон уради. Бундай қилишнинг жуда катта фойдаси бор. Машиналарга техника хизмати кўрсатиш осонлашади. Узлуксиз қатнаб турган тележкалар пахта кутиб қараб қолмайди. Мутахассисларга машиналар ишини назорат қилиб туриш учун қулайлик туғилади. Механик-ҳайдовчилар ўзаро мусобақалашиб ишлайди, ким қанча пахта тергани эълон қилиб борилади. Шунингдек бир-бирларининг ишини кузатиб туради.

Меҳнат аҳлига яхши маданий-маиший шароит яратиб берилди. Пахтакорлар марказлаштирилган тартибда иссиқ овқат ва чой билан таъминланади. Аҳолига савдо ва медицина хизмати кўрсатиш дала шийпонларига кўчирилган. Кўп болали оналар ҳақида айниқса кўнгилдагидек ғамхўрлик қилиняпти. Совхозда доимий ва кўчма боғча ҳамда яслилар ишлаб турибди. Болали оналар ўз фарзандлари қувнаб ўсаётганларини кўргач, дала ишларида фаол қатнашяптилар. Терилган пахтанинг ҳақи эгаларига вақтида бериб бориляпти.

Партия комитети меҳнат аҳли орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириб юборди. Агитатор ва пропагандистлар суҳбатлар ўтказяпти, ҳозирги долзарб кунларда пахтакорлар олдида турган улкан вазифаларни пропаганда ва агитациянинг таъсирчан форма ва методлари орқали уларнинг онгига сингдиряпти. Социалистик мусобақа кун сайин авж олдириляпти. Кўрилаётган барча тадбирлар йиғим-теримни узоғи билан бир ярим ойда муваффақиятли тугаллаш, давлат пахта тайёрлаш планинигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажаришга қаратиляпти.

Натижа ҳам шунга лойиқ бўлаётир. Н. Тошева, Т. Эргашев, Б. Асадов, С. Исломов сингари коммунистлар бошчилик қилаётган бўлимларда кунлик терим графиги анча ошириб бажарилаётир. Б. Жалилов, Ё. Жабборовлар бошлиқ бригадалар теримда пешқадамлик қиляпти. Совхоз бўйича кунлик суръатнинг кўтарилиш боиси ҳам шунда.

Совхозимиз коллективи бу йил давлатга 12,5 минг тонна пахта, бир миллион сўм соф фойда бериш ҳақидаги мажбуриятини сўзсиз бажаради. Бу КПСС XXIII съезди қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН ЮЗ МИНГ ТОННА

Ўзбекистон механизаторлари машина бункерларидан дастлабки юз минг тонна пахтани тўкдилар. Бутун пахта биринчи сортга қабул қилинди.

Ҳосилни машинада териш кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Тошкент ва Қашқадарё областларидаги колхоз ва совхозларнинг механик-ҳайдовчилари пахтани айниқса тез термоқдалар. Ана шу областлардаги «зангори кема» капитанлари ҳар куни машина терими йиллик планининг тўрт процентидан кўпроқ миқдорда пахта териб топширмоқдалар. Илғор хўжаликларнинг далаларида механизациялашган конвейер ишга туширилди. Дала, бункер, завод маршрути бўйлаб узлуксиз давом эттирилаётган поток терим ишларини жадаллаштиради, ҳосилни тайёрлов пунктларига етказиб беришни тезлаштиради. Оққўрғонликлар конвейер усулини жорий қилиб, машина теримида республикада пешқадамлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон далаларида ишлаётган машиналар сони яқин вақт ичида 26 мингтадан ошиб кетади. «Узсельхозтехника» бирлашмаларининг устахоналарида шу машиналарни ускуналаш тугалланай деб қолди. Авиаторлар химиявий усулда ғўза барглари тўкдирилган бир миллион гектар пахтазорни тайёрлаб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

Пахта далаларида

ФАРҒОНА. Ғафур Ғулом номли колхоз Ўзбекистон районида биринчи бўлиб машина теримига киришди. Шу кунларда далада 15 та агрегат бетиним ишлаб турибди. А. Сонбназаров, К. Шокиров, М. Сатторов, С. Тўхтабоев, Қ. Кенжабоев каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири кунига 6-7 тоннадан «оқ олтин» териб, социалистик мусобақада илғорликни эгаллаб келяптилар.

Боғдод районидаги «Большевик» колхозида ҳам йиғим-терим жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. А. Шерматов бошлиқ бригада йиллик планни ҳозиргача 46 процентга етказиб қўйди.

С. ХОЛМАТОВ,
Р. АҲМАДЖОНОВ.

САМАРҚАНД. Иштихон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ўртоқ Зубай Искандаров бошлиқ бригадаси бу йил давлатга 400 тонна пахта сотади. Шунга кўра йиғим-терим барвақт бошлаб юборилди. Кунда 3 процентдан ошириб пахта териляпти.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон районидаги «Москва» колхози аъзолари 1850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олишган. Йиғим-терим ана шунга яраша ташкил этилди. Ҳар куни 3-3,5 процент пахта тайёрланиб пунктга жўнатилмоқда. Колхоз механизаторлари 2000 тонна пахтани машиналарда териб берадилар.

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Эшпўлат Норбоев бошлиқ бригадасида ҳам йиғим-терим кўнгилдагидек уюштирилган. Бригадада сўнгги ўн кунда 30 процент пахта териб олинди.

Б. САТТОРОВ.
Т. УБАЕВ.

Суръат паст. НЕГА?

«Правда» колхозининг пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини йиғиштириб олдилар. Улар ҳозир районда пешқадамлик қилишяпти. Машина терими бошлаб юборилган Н. Жабборов, Б. Бўронов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда суръат янада яхши. Ана шу бригадаларда кун сайин кўпроқ пахта териляпти ва тайёрланяпти. Б. Бўронов бошлиқ бригада йиллик планни 50 процентдан оширди. Бу ерда ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 95-100 килограммдан пахта теряпти.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Норқулова раислик қилаётган Охунбобоев номли колхоз ҳам теримда олдинда боряпти, кунига давлатга йиллик планнинг 2,5 проценти миқдорида ва ундан ортиқ пахта топширяпти. Колхознинг ўртоқ Р. Эргашев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси терим суръати жиҳатидан районда энг олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Ҳозир бригадада кунига йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта тайёрланяпти.

Агар мавжуд барча ишчи кучи ва терим техникаси тўла ишга туширилса, Нарпай районидаги бошқа хўжаликларда ҳам терим суръатини кескин ошириш мумкин. Афсуски, бундай қилинмаяпти. Далада меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган колхозчиларнинг бир қисми ҳали теримга торгилгани йўқ. Терим машиналарининг кўпчилиги ҳамон қантарилганча турибди. Ишлаётганларининг эса унуми бўлмаяпти. Кўпчилик хўжаликларда кунлик пахта териш ва тайёрлаш графиги бажарилмаяпти. Шу сабабли районнинг ўзи ҳам орқада қоляпти, областни ҳам орқага тортяпти.

Бултур худди шу кунларда район пахта тайёрлаш планини 30 процент, сентябрь ойида йиллик планни 65 процент бажарган эди. Бу йил 20 сентябргача эса йиллик план 15 процентга ҳам етгани йўқ. «Коммунизм», «Партия XXII съезди», «Октябрь», Киров номли ва Калинин номли колхозлар пахта териш ва тайёрлашда жуда орқада қоляпти.

Район партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари пахта териш ва тайёрлашни уюшқоқлик билан ташкил этиш, мавжуд барча кучнинг теримда тўла иштирок этишини таъминлаш, теримда меҳнат унумдорлигини ошириш, суръатнинг кўтарилишини таъминловчи пахта териш машиналарини ишга тушириш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаяптилар. Шу сабабли айрим колхозлар терим суръатини ошириш жиҳатидан ҳам, планни бажариш соҳасида ҳам жуда оқсаб қолаётирлар. Масалан, «Октябрь» колхозида ҳар куни кўпи билан йиллик планнинг 1,5 проценти миқдорида пахта тайёрланяпти. Колхознинг Б. Диёров, Н. Умаров ва Н. Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида йиллик план энди 7-8 процент бажарилган, холос.

Колхозда бу йил 900 тонна пахта машиналарда терилиши керак. Машина теримида муваффақиятга эришиш учун бу муҳим ишга яхши тайёргарлик кўриш талаб этилади. Даставвал ҳосили машинада териладиган участкалардаги ғўзани белгиланган муддатда ва сифатли дефолиация қилиш зарур. Аммо колхозда дефолиация ҳамон тугаллангани йўқ. 20 сентябргача пландаги 760 гектар ўрнига бор-йўғи 540 гектар майдонга дори сепилган.

Теримда графикдаги 1000 киши ўрнига кўпи билан 700 киши қатнашди. Бунинг устига, кўпчилик теримчилар нормани бажаришмаяпти. Ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 45 килограммдан пахта теряпти. Шунинг оқибатида 3 сентябрда теримга киришган бу хўжаликда йиллик план энди 11 процент бажарилган. Ўтган 15 кунда ҳаммаси бўлиб, йиллик планнинг 10 проценти миқдорида пахта тайёрланган.

Свердлов номли колхоз ҳам пахта майдони, ҳам ялпи ҳосили жиҳатидан районда салмоқли ўринни эгаллайди. Бу ерда 1180 гектар майдондаги ҳосил машиналарда терилиши керак. 37 та терим агрегати ишлаши лозим. Қизиғи шундаки, колхозда терим машиналари ремонти аллақачон тамомланган ва улар далага келтириб қўйилган. Дефолиация ҳам аллақачон тамомланган. Бироқ, бу муҳим тадбир сифатсиз ўтказилганлиги сабабли ғўзаларнинг барги яхши тўкилмаган. Бунинг устига пахтаси машинада териладиган карталар бегона ўтлардан тозаланмаган. Оқибатда машиналар кўп вақт бекор туряпти. 19 сентябрь куни 18 та машина билан бор-йўғи 25 тонна пахта терилган.

Колхоз раиси Б. Ашуров, партия ташкилотининг секретари Р. Очилов, бош инженер Т. Раҳимов ўртоқлар терим машиналарининг ҳаммасини тўла ишга тушириш, уларнинг юқори унум билан ишлашини таъминлаш ҳақида ўйламаётганликлари устига, қўлда пахта теришни яхши ташкил этиш тўғрисида ҳам зарур даражада ғамхўрлик қилмаяптилар. Теримчиларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилмаган. Далада иссиқ овқат тайёрланмайди. Иш шароити яхши бўлмаганидан кўпчилик теримчилар кунлик нормани бажармаяптилар. Раҳбарлар ана шу камчиликларга барҳам бериш, ишни тўғри ташкил этиш, барча куч ва техникадан тўла фойдаланиш тадбирларини кўриш ўрнига, «пахта яхши очилмаган, ғўза барги тўкилмаган» деган баҳонани рўкач қилиб, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермоқдалар.

Нарпай райони бу йил давлатга 65 минг 500 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган. Барча хўжаликларда ана шу юксак мажбуриятни тўла ва ошириб бажаришни таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилган. Гап ана шу етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб териб олиш, давлат планини ва олинган мажбуриятни тезроқ бажаришда қолган.

суръатни кўтариш имконияти бор. Ҳамма ерда пахта яхши очилган. Ишчи кучи етарли. Техника мавжуд. Фақат ундан оқилона фойдаланиш даркор.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЛКАН ХИРМОНГА

Республика областларида пахта тайёрлаш ва ғўзани дефолиация қилишнинг бориши тўғрисида 1966 йил 22 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан буён, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан буён, олтинчи стун — дефолиация қилинган майдонлар.

Қашқадарё	2,06	46,06	4,28	28,82	105,72
Сурхондарё	2,10	27,75	2,57	16,04	128,52
Тошкент	3,76	27,48	4,52	30,03	129,70
Бухоро	2,06	25,13	2,62	10,80	101,63
Фарғона	2,02	23,98	2,20	10,65	115,80
Андижон	1,85	22,44	1,40	6,29	109,14
Самарқанд	2,00	19,29	1,83	7,22	109,12
ҚҚ АССР	1,32	12,76	0,62	1,93	113,31
Хоразм	0,84	10,34	0,29	0,89	104,55
Сирдарё	1,53	6,66	1,97	5,43	147,53

МАШИНАНИНГ ҚУДРАТИ

Колхозимиз пахтакорлари мана, бир неча йилдирки, пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштириш учун қатъият билан кураш олиб боряптилар. Эндиликда чигитни квадрат-уялаб экиш, ғўзани механизмлар билан икки томонлама культивация қилиш, экинни суғориш ва ҳатто чеканка қилишда илғор усуллардан фойдаланиш ҳақида алоҳида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки, республикамизда агротехника комплексининг ана шу зарурий тадбирларини пахта етиштиришнинг асосий қоидаси ва шарти деб билмайдиган, бунга амал қилмайдиган хўжалик бўлмаса керак. Лекин ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш ҳозирги вақтда ҳар бир колхоз, совхоз эришаётган муваффақиятларнинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Пахтакорларимиз ва механизаторларимиз ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш соҳасида бой тажриба тўпладилар. Улар йил сайин тобора кўпроқ майдондаги ғўзани машинабоп қилиб парвариш қилиптилар, машинада терилган пахтанинг миқдорини кўпайтиришга эришяптилар. Бултур ҳосилнинг кўпчилик қисми «зангори кема»ларда териб олинди. Машина туфайли терим муддати қисқарди, пахта барвақт териб олинди ва асосан биринчи сортларга сотилди. Маҳсулотнинг таннархи арзонга тушди. Колхознинг даромади ва пахтачиликдан олган соф фойдаси кўпайди. Бинобарин, пахтакорлар ва механизаторларнинг моддий манфаатдорлиги ошди.

Ана шуларни эътиборга олиб, биз бу йил янада кўпроқ майдондаги ҳосилни машиналарда теришга қарор қилган эдик. План бўйича бу йил 200 гектар майдондаги ҳосил машинада терилиши лозим эди. Амалда эса машина теримига 300 гектар ер ажратилди. Ана шу майдондаги ғўза машина теримига мослаб сифатли парвариш қилинди, унинг серҳосил бўлиб ўсиши ва кўсакларнинг эрта очилиши таъминланди. Бу соҳада дефолиация белгиланган муддатда сифатли ўтказилганлиги ва ғўзанинг барги вақтида тўкилганлиги катта роль ўйнади.

Айни вақтда мавжуд терим агрегатлари терим бошланишидан анча олдин ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. Механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Натижада машина теримини уюшқоқлик билан бошлаш ва уни тез суръатлар билан давом эттириш имкониятига эга бўлдик. Машиналарнинг юқори унум билан тўхтовсиз ишлаши таъминланди. Ҳозирги вақтда ҳар бир агрегат билан кунига 5 тоннадан 10 тоннагача пахта териляпти.

Буларнинг ҳаммаси колхозимиз машина терими планини фақат Тошкент областидагина эмас, балки республикада биринчи бўлиб бажариши учун имкон берди. «Зангори кема»лар бункеридан пландаги 400 ўрнига 424 тонна «оқ олтин» тўкилди. Биз машинада терилган пахтанинг юқори сифатли бўлишига ҳам алоҳида эътибор бердик. Ҳозиргача машинада терилиб давлатга топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Ҳосил йиғим-теримини машиналаштиришда колхозимиз бу йил эришган ана шу дастлабки улкан ғалабага илғор механик-ҳайдовчилар жуда катта ҳисса қўшишди. Моҳир механизатор Қодирбой Мавлонов мавсумда 60 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. У ҳозирнинг ўзидаёқ ўз машинаси бункеридан 63 тонна пахта тўкди. Шунингдек, Пак Владимир, Абдуҳошим Уролов ўртоқлар каби пешқадам механик-ҳайдовчилар терган пахта 43-46 тоннага етди.

Колхозимизда ҳосил йиғим-терими тез суръатлар билан давом эттириляпти. Ҳозиргача давлатга 876 тонна пахта сотиб, йиллик планни 38,47 процентга етказдик. Колхозчиларимиз она-Ватанга 2278 тонна пахта етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқни 5 октябргача тўла бажариш учун интилмоқдалар. Ана шу юксак маррани муваффақиятли эгаллашга механизаторларимиз янада каттароқ ҳисса қўшишга қарор қилишди. Улар машинада териладиган пахтанинг миқдорини 700 тоннага етказиш ҳақида сўз беришди.

Д. Х. ПАК,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

Л. Б. ШАСТРИ ОИЛАСИ ТОШКЕНТДА

Лалита Шастри ва Ҳиндистон марҳум Бош министри оиласининг бошқа аъзолари Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан 22 сентябрда махсус «ИЛ-18» самолётида Деҳлидан Тошкентга келдилар. Улар тарихий Тошкент учрашуви вақтида Лаъл Баҳодир Шастри яшаган ва ишлаган жойларни бориб кўрадилар. Шастри оиласига Ҳиндистон бош министри кабинетининг секретари Ражешвар Прасад, марҳум бош министрнинг шахсий секретари В. С. Венкатараман, СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасининг маслаҳатчи элчиси Н. И. Смирнов ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Аэропортда Шастри оиласи аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика социал таъминот министри В. С. Содиқова, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раиси Х. С. Шукурова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташқи алоқалар масалалари билан шуғулланувчи группасининг мудири Ғ. М. Абдурашидов, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. Раҳматхўжаевалар кутиб олишди. Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихонасининг бу ерга Москвадан келган иккинчи секретари П. К. Будхвар ҳам бор эди.

(ЎзТАГ).

Суратда: илғор монтажчи М. Сврин. У Тошкент ГРЭСидаги 5-турбинани ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Смена топшириқларини ортиқ бажаряпти.

В. Сироткин фотоси.

Ижрочилар

Ленинча иш услуби учун

Партия XXIII съезди қарорларида маҳаллий Советларнинг хўжаликка раҳбарлик даражасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Маълумки, Советларнинг сессиялари орасида хўжаликка раҳбарликни ижрокомлар, уларнинг бошқариш органлари олиб борадилар ва бу ишда уларга доимий комиссиялар кўмаклашадилар.

Советлар фаолиятини юксалиши биринчи галда ижрочи органларнинг самарали ишлашларига боғлиқдир.

Шаҳар ва район хўжаликлари бир-бирларидан фарқ қилганларидек, ижроия комитетларнинг иш метод ва услублари ҳам бир хил эмас. Ҳар бир ерда ўзига хос ютуқ ва камчиликлар бор. Буни биз Тошкент шаҳар ва район Советлари ижрокомларининг иш тажрибаларида ҳам кўрамиз.

Хўжаликни бошқаришни ташкил қилишда ижроком аъзолари орасида вазифаларни тўғри тақсимлаш катта аҳамиятга эга. Тошкент шаҳар ва район ижрокомларида вазифалар фақат ижроком раислари, уларнинг ўринбосарлари ва секретарлар орасидагина тақсимланган. Ижроком аъзоларининг кўпчилиги эса мажлисга қатнашишдан бошқа вазифани (ўз лавозимларидан ташқари) бажармайдилар. Бу тартибни мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Чунки бошқаришда бутун оғирлик ижроком раҳбарлари зиммасига тушади. Масалан, шаҳар ижрокоми раисининг биргина ўринбосари бошқарадиган 7 хўжалик тармоғидан ташқари, 10 дан ортиқ ҳар хил комиссияларга раислик қилади. Район ижрокомларида ҳам аҳвол шундай. Натижада уларга хўжалик тармоқлари билан чуқур танишиш, асосий ва кундалик масалаларни олдиндан белгилаб қўйиш шубҳасиз қийин.

Ишни планлаштириш, ишни план асосида олиб бориш социалистик хўжаликка хос белги. Хўжаликни планлаштиришдан аввал, унинг моддий базаси ўрганилади, ички имкониятлари назарга олинади.

Тошкент шаҳар ва район Советларининг ижрокомлари кўпинча ўз ишларини хўжалик ва маданий қурилиш тараққиёти нуқтаи назаридан эмас, бошқаришда содир бўлган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида тузадилар. Тўғри, камчиликларни бартараф қилиш керак. Аммо олдин ишда камчиликка йўл қўйиб, сўнг уни олдини олиш учун курашиш тўғри бўлмаса керак.

Масалан, Тошкент район Советларининг ижрокомлари 1965—1966 йилнинг ўтган даврида ўз мажлисларида хўжалик ёки маданий-маиший муассасалар ишига оид бирорта муҳим масалани кўрмаганлар.

Ишни планлаштириш ижроком секретарлари зиммасига ташлаб қўйилган. Секретарлар ҳар квартал олдидан бўлим ва бошқарма бошлиқларига ижроком муҳокамасига масала киритишни сўраб мурожаат қиладилар.

Бизнингча, иш плани ҳар бир ижроком аъзоси томонидан ўз қўл остидаги хўжалик раҳбарлари билан биргаликда тузилиши ва сўнгра ижроком мажлисида муҳокама қилиниши лозим.

Одатда иш планларига фақат кўриладиган масалаларгина киритилади. Ижроком томонидан ўтказиладиган ташкилий чоралар эса планлаштирилмайди. Тўғри, ҳамма ташкилий чораларни планлаштириш қийин, аммо асосийлари иш планига киритилса, бу соҳада ҳам маълум тартиб ўрнатилган бўларди.

Ҳозир амалда шу нарса одат тусига кириб қолганки, ижроком муҳокамасига киритиладиган масалалар бўлим ва бошқармалар томонидан доимий комиссиялар билан биргаликда тайёрланиб, қарор лойиҳалари жуда кўп деганда уч кун олдин ижроком аъзоларига тарқатилади.

Ижроком аъзолари бу масалада ҳам ўз бурчларини тўла бажармаётирлар. **Ҳар бир масала ижроком раиси, раис ўринбосарлари, ижроком аъзоларининг шахсий раҳбарлигида тайёрланиб, сўнгра муҳокама қилинганда эди, бу тўғрида қабул қилинган қарор ҳам талабга тўлароқ жавоб берадиган бўларди.**

Маълумки, қарор ижроком мажлисида қабул қилиниши шарт. Амалда эса, ҳар куни бир неча қарорга қўл қўйилади. Бундай қарорлар муҳокама қилинмайди, манфаатдор ташкилотлар ва ижроком аъзоларининг (баъзиларининг) имзолари тўплаб келинса бас.

Масалан, Ленин район Советининг ижрокоми 1966 йилнинг январь—июнь ойларида 12 марта мажлис ўтказган ва 116 та қарор қабул қилган, шундан 39 тасигина муҳокама қилинган. Октябрь район Советининг ижрокоми 1 кварталнинг ўзида 5 та мажлисда 163 та қарор қабул қилган, шундан 20 та масала муҳокама қилинган. Тошкент шаҳар Советининг ижрокомида ярим йилда 12 та мажлис ўтказилиб 280 та қарор қабул қилинган ва 63 та масалагина муҳокамадан ўтган.

Сўраш йўли билан қарор қабул қилиш социалистик демократия принципларини бузишгина бўлиб қолмасдан, айрим масалаларни, баъзан жуда муҳимларини субъектив, бир томонлама, юзаки ҳал қилишга олиб келади.

Қарор қабул қилиниши лозим бўлган ҳамма масала ижроком аъзолари йиғилишида муҳокама қилиниши шарт, бу уларнинг асосий бурчларидир.

Қарор қабул қилишни тартибга солиш ижроком раислари ва секретарларининг кечиктирилмайдиган вазифасидир.

Қарорларни амалга ошириш ижрокомларнинг ташкилотчилик фаолияти негизини ташкил қилади. Ижрокомлар ҳамма депутатлар ва активларнинг куч-ғайратларини мана шу масалага қаратишлари керак.

Хўжаликни бошқаришда ижрокомлар, ўз фармойиш ва кўрсатмаларини бўлим ва бошқармалар орқали амалга оширадилар. Бўлим ва бошқармалар аввало ўз вазифаларини оператив бажаришга қодир бўлишлари шарт. Бунинг учун уларда ишловчи ҳар бир ходим ўз лавозимига, ҳозирги талабга жавоб бера оладиган, шу соҳада билим тажрибаси бўлиши керак. **Бўлим ва бошқармаларнинг мустақил ишлашларига эришмай туриб, ижрокомлар хўжаликка раҳбарликни яхши йўлга қўйишлари қийин.**

Ижрокомларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик даражаси уларга партиявий раҳбарлик даражаси билан ўлчанади.

Тошкент шаҳар ва район хўжаликларини ривожлантиришда эришган муваффақиятларимиз Советларга ва уларнинг ижрочи органларига партиявий раҳбарликнинг кучайганлиги самарасидир.

КПСС XXIII съезди, партия Советларга раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини керакли йўлдан олиб боради, аммо улар ўрнига иш юритмайди, деб қайд қилиб ўтди. Ижрокомлар бу ленинча раҳбарлик принципга тўла амал қилишлари, партия раҳбарлиги остида социалистик демократияни янада ривожлантиришлари, ўз ихтиёрларидаги хўжаликни бошқариш даражасини янада юксалтиришлари керак. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

А. РАФИҚОВ,
Тошкент шаҳар ижрокоми ташкилий инструкторлик бўлимининг мудири.

РЕДАКЦИЯДАН: ўртоқ А. Рафиқов ўз мақоласида маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрокомлари фаолиятини яна ҳам такомиллаштиришга оид қатор тажриба, таклифларни айтган.

Ҳурматли газетхонлар, совет ва партия ходимлари! Мазкур материални тўлдирувчи, ундаги фикрларни бойитувчи совет қурилишига оид таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати ходимлари куни олдидан

ЙИЛЛАР САРҲИСОБИ

⊙ ОРДЕНЛИ БИРИНЧИ КОРХОНА. ⊙ ЗАФАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАГАНЛАР. ⊙ ЭНГ ҚУВОНЧЛИСИ — БАДАВЛАТ БЎЛГАНИ. ⊙ СУЯНГАН ТОҒЛАРИ ВА ИШОНГАН БОҒЛАРИ ⊙ ДАДИЛ ОДИМ.

Ушбу сатрларни қоғозга туширяпману қувонч оғушидаман. Нега қувонмай! Орденли областнинг орденли корхонаси ҳам чиқиб қолди. Аввало, Андижоннинг ўзи орденли. Пахтачиликни юксалтиришдаги мардона одимлари учун шу мукофотга сазовор бўлган. Мана, областнинг йирик корхоналаридан бири ҳам СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Андижон ёғ-мой комбинати коллективи областда биринчи бўлиб орден олишга мушарраф бўлган корхона эканлиги қалбларни тўлқинлантирмоқда.

Катта бир коллективнинг орден билан тақдирланиши қутлуғ воқеа. Муборакбод этса арзигулик. Шундай қилдик. Комбинат бош инженери Николай Васильевич Кабановни ҳоли учратиб бафуржа суҳбатлашдик. Ўз вазифасига муносиб, ишига омилкор мутахассис. Корхонанинг юксалиш рақамларини кўз юмиб туриб — ҳеч қандай қоғоз ё ҳужжатга қарамай айтадики, миянгиз тўлишиб кетгандек бўлади. Шу рақамларни бошқалари билан таққослаганда улкан коллективнинг чораками саккиз йиллик иши, тўғрироғи, меҳнат зафарлари кино лентасидек кўз олдингиздан бир-бир ўтади.

Рақамлар — кишилар ва коллективлар меҳнатининг ажойиб мезони. Рақамлар тилга кирганда қилинган ишлар «мана мен» деб ўзини кўрсатади. Рақамларни кишиларнинг баракали меҳнати рўёбга чиқаради. Шу боисдан рақамларни вужудга келтирган, корхона зафарига қанот бағишлаган кишилар билан танишишга аҳд қилдик.

Уларнинг рўйхати жуда узун. Бироқ бу ўринда алоҳида ўрнак кўрсатган, корхона коллективининг етти йиллик планни муваффақиятли бажаришига муносиб ҳисса қўшган, техника тараққиётининг байроқдорлари, ишлаб чиқаришнинг зарбдорлари тўғрисида андак сўзлаб ўтиш имкониятигагина эгамиз. Вақти келиб уларнинг ҳар бири ҳақида дурустроқ материал ёзилса арзийди. Қаюм Холиқулов, Қаюм Пардабоев, Ландиш Бограновa... Улар чин маънодаги ижодкор кишилар. Изланиб чарчамайдиган, меҳнат қилиб толиқмайдиган, қилни қирққа ёришга қодир бўлган новаторлар. Технологияни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларига амал қилиш, коллектив манфаати учун жонкуярликни аслида шуларга чиқарган. Уларнинг энг яхши хислати мана шу. Шалом Сионов, Фира Рабинович, Анна Канигина ўртоқлар жанговар ташкилотчи, уқувли раҳбар, тадбиркор, ташаббускор мутахассислардан. Улар бошқараётган рафинация, форэкстракция, совун цехлари социалистик мусобақада ҳамиша пешқадам, янгиликларни жорий этишда илғор, мақтовли.

Корхонада баракали меҳнати билан иззат-икромга сазовор бўлган машъаллар тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида комбинат техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай юксалтиришга гаров бўлаётир. Ишлаб чиқаришнинг юксалиши, маҳсулотнинг ҳар бир турини тайёрлаш бўйича рентабеллик таъминланди. Корхона бадавлат бўлиб қолди. Ўтган етти йилликда ўсди, улғайди, рентабель корхонага айланди. Бу, коллективнинг катта қадами, дадил одими.

Техникани тараққий эттириш, иш жараёнларини механизациялаш ҳар бир ишчининг, инженер-техник ходимнинг жонажон ишига айланган. Новаторларни, рационализаторларни бу ерда «суянган тоғимиз, ишонган боғимиз» дейиш одат бўлиб қолган. Етти йилликда иш жараёнларини механизациялаш борасида бирталай тадбирлар амалга оширилди. Форэкстракция цехи кенгайтирилди. Қўшимча бино тикланди. Ускуналарнинг анчагинаси янги бинога кўчириб ўрнатилди. Натижада маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортди. Ишчилар учун баракали ва қулай меҳнат қилиш шароити вужудга келтирилди. Рафинация цехида оқланган ёғни вакуум аппаратлари ёрдамида қуритиш жорий этилди. Совун цехида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлди. Яқинянқинларгача совун жойланадиган яшикларни цехга етказиб бериш учун араваларда ташилларди. Тўрт киши ва бир трактор шу иш билан банд эди. Эндиликда ана шу ишчилар ва трактордан бошқа участкаларда фойдаланилмоқда. Яшиклар махсус ускуна ёрдамида ташилаётир. Келтирилган уруғ автомашиналардан қўлда тушириларди. Бу жараён ҳам механизация зиммасига юкланган. Механизациядан фойдаланиш 20 ишчини оғир ва унумсиз қўл меҳнатидан қутқарди. Техникани тараққий эттиришга бел боғлаган азаматлар 459 таклиф бердилар. Шундан 272 тасини жорий этишнинг ўзи йил сайин 115 минг сўм иқтисодий фойда келтирмоқда.

Забардаст йиллар сарҳисоби комбинат коллективининг катта муваффақиятларидан ҳикоя қилади. Яна рақамларга мурожаат қиламиз. Булар мазмунли рақамлар. Баҳодир етти йилликда азаматлар мардонавор меҳнат қилишди. Планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мусобақаси ажойиб натижалар берди. Пландан зиёд 5 миллион сўмлик турли маҳсулотлар тайёрланди. Бу нима деғани? Аҳолига шу ҳисобдан 4135 тонна оқланган ёғ ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб берилди. 3346 тонна кир совун ишлаб чиқарилди.

Етти йилликда тўпланган бой тажриба янги беш йиллик вазифаларини бажаришда жуда қўл келмоқда. Илғорлик, юксакликларга интилиш, янги марраларни эгаллаш учун кураш мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ҳамда башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлашга отланган коллектив аъзолари ғайрат-шижоат кўрсатиб, меҳнат қилишяпти. Беш йилликнинг дастлабки саккиз ярим ойи топшириғи ҳамма кўрсаткичлар бўйича барақт ортиғи билан бажарилди. Кейинги 6 ойдагина планга қўшимча 900 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот, шу жумладан салкам 700 тонна оқланган ёғ ишлаб чиқарилди.

Корхона коллективи Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқди. Иккинчи квартал якунида СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Зафар ҳамроҳингиз бўлсин! Беш йилликдаги одимингиз яна ҳам дадил ва қутлуғ бўлсин, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон ёғ-мой комбинатининг азамат коллективи!

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ФАРҒОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПИЛЛАНИНГ НАМЛИГИНИ УЛЧАЙДИГАН АППАРАТ

Ипак саноати илмий текшириш институтининг бир группа ходимлари пилла намлигини аниқлайдиган аппарат яратиш устида кунт билан иш олиб бордилар. Аппаратнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши йилига 150-170 тонна пилла тежаш имконини беради. Янги аппаратнинг илк нусхаси тажриба тариқасида синовдан ўтказилди. Синов натижалари қувончли. Ҳозир аппаратнинг саноатда қўлланиладиган нусхаси техникавий топшириқларини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Келгуси йил пилла қурти боқиш мавсуми бошлангунча бу аппарат ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Пиллакорлар ишини енгиллаштирадиган аппаратни яратишда институт хом ашё лабораториясининг мудири В. Ионов, конструктор Н. Хохлов, кичик илмий ходим Я. Илёсов, механика-асбобсозлик цехининг слесари С. Аникнов ва бошқа ўртоқлар баракали ҳисса қўшдилар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАМИДА

Марғилон ёғочни қайта ишлаш комбинати коллективи бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун кўплаб вагон-уйлар тайёрлаб жўнатмоқда. План бўйича бу йил 80 та шундай уй тайёрланиши керак эди. Азаматлар чўлқуварларга ёрдамни кучайтириш учун курашиб, 120 та вагон-уй ишлаб чиқардилар ҳамда бўз-қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларга юбордилар. Шчитли уйлар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқ ҳам ортиғи билан бажарилди. 167 та шчитли уй тайёрланди. Кейинги етти ойда планга қўшимча разишда 13,2 процент маҳсулот тайёрланди. Дурадгорлардан Анзар Юсупов, Александр Федяев, Альберг Крумер, Александр Ястребов ўртоқлар ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб, насбдошларига намуна бўлмоқдалар.

ҚИШЛОҚЛАРДА «ЗАНГОРИ АЛАНГА»

Фарғона областидаги шаҳар ва қишлоқларда табиий газдан фойдаланиш турмушга сингиб кетмоқда. 13-трест коллективининг кучи билан 1961 йилда аҳоли яшайдиган пунктлар 12 миллион кубометр табиий газ олган эдилар. Ўтган йили «зангори олов» етказиб бериш 7 баравар ортди. Айниқса, қишлоқ хонадонларини газлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Қува районининг территориясида 2672 квартира табиий газдан фойдаланмоқда. «Коммунизм» ва «Социализм» колхозларида бўлган киши деярли ҳамма хонадонларда, болалар боғчалари ва бошқа ташкилотларда газдан унумли фойдаланилаётганлигининг шоҳиди бўлади. Фарғона районида ҳам деҳқонларнинг кўпчилик хонадонларида «зангори аланга» уй бекалари оғирини енгил қилмоқда.

Беш йилликнинг дастлабки йилида область қишлоқларидаги 1200 квартира газ билан таъминланади. Кейинги олти ойнинг ўзида қарийб 800 хонадон табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Шу йил Қўқон группа районларида 800 хонадон «зангори аланга»дан турмушда фойдаланадиган бўлади.

Г. БАНКЕТОВ.

РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш масалалари билан шуғулланувчи республика ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Комиссия Ўзбекистон пойтахтидаги қурилиш ишларини янада жадаллаштиришга доир бир қанча муҳим масалаларни қараб чиқди.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган янги массивларда иморатлар қуриш тобора кенг кўламда авж олиб бормоқда. Бироқ, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг текширувида шу нарса аниқландики, шу массивларни комплекс қуриш ишида катта-катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Якка тартибда уй қурувчиларга ер участкалари ажратиб бериш пайсалга солинмоқда. Якка тартибда уй қурувчиларга транспорт бериш, бузилган уйлардан чиққан бинокорлик материалларини бепул бериш ва бошқа баъзи масалаларда етарли ёрдам кўрсатилмаётир. Уй-жой массивларига бориладиган йўллар ва кварталлар ичидаги йўллар, водопровод шохобчаси йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секин қурилмоқда. Бинокорлик материаллари, озиқ-овқат моллари ва сабзавот билан савдо қилишни ташкил этишда, якка тартибда уй қурувчиларга медицина хизмати кўрсатишда жиддий нуқсонлар бор.

Тошкент шаҳар ижроия комитети, республика Савдо министрлиги, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги раҳбарларининг энг қисқа муддат ичида ана шу нуқсонларни тугатиш учун оператив чоралар кўрамиз, деб айтган гаплари инобатга олинди.

Шаҳарда зилзиладан зарар кўрган медицина муассасаларини ремонт қилиш учун кўп ишлар қилинди. Бироқ, деб таъкидлади комиссия, бу муассасаларни тиклаш ҳали ҳам суст бормоқда, ишчи кучи кўп объектларга бўлиб юборилган. «Главташкентстрой»га биринчи навбатда турган 25 объектни октябрь ойидаёқ тўла-тўкис капитал ремонт қилиб қайтадан тиклаш учун ўзининг бутун кучини ана шу объектларга тўплаш таклиф қилинди.

Ҳарбий бинокорлар Ўзбекистон пойтахтига жуда катта ёрдам бермоқдалар. Улар ишларнинг суръатини жадаллаштириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг уларга қарата чиқарган мурожаатига жавобан, 1 ноябрга қадар йўлдош шаҳар Сергилида юз минг квадрат метр янги уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш, қолган 50 минг квадрат метрни эса янги йилгача қуриб битказишга қарор бердилар.

Бироқ, ҳарбий бинокорларнинг отрядларидан фойдаланиш ва уларга маиший хизмат кўрсатишда ҳам катта камчиликлар мавжуд. Хусусан, улар кўп бошқармалар, объектлар ва бригадаларга тарқатиб юборилганлиги уларнинг меҳнатини яхшироқ ташкил этишга ва улардан тағин ҳам унумли фойдаланишга имкон бермаяпти. Комиссия мажлисида ҳарбий бинокорлар тўғрисида яхшироқ ғамхўрлик қилишга, уларнинг янги Тошкентни қуришда тағин ҳам активроқ иштирок этишини таъминлашга ёрдам берадиган конкрет чоралар белгиланди.

Комиссия шаҳарни бузилган бинолар қолдиқларидан тозалаш соҳасида ўзи берган топшириқларни бажаришда йўл қўйилаётган нуқсонларга тегишли ташкилотларнинг эътиборини жалб қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Фёдор Тимофеевич **Чупрунов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Ойбек маҳорати ҳақида докторлик диссертацияси

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг илмий мажлисида республиканинг кекса адабиётшунос олими, филология фанлари кандидати Ҳомил Ёқубов мазкур темада докторлик диссертациясини ёқлади.

Диссертация юзасидан сўзга чиққан расмий оппонентлар—академик Воҳид Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси Иззат Султонов, филология фанлари доктори Лазиз Қаюмов ва бошқа ўртоқлар Ҳомил Ёқубовнинг диссертациясини ўзбек совет адабиётшунослигида муҳим воқеа сифатида юксак баҳоладилар.

Ҳомил Ёқубов Ойбекнинг 40 йилдан ортиқ ижодий фаолияти мисолида унинг ижодий ўсиш жараёнини, камолотини ҳам шу асосда ўзбек адабиётида социалистик реализм тараққиётининг айрим муҳим назарий масалаларини ёритган.

Илмий совет аъзолари ўртоқ Ҳомил Ёқубовга бир овоздан филология фанлари доктори унвонини беришга қарор қилдилар.

Ш. ТУРДИЕВ.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Политотдел» олға интилмоқда

Футбол бўйича «А» класси иккинчи эшелонида қатнашаётган Тошкент областининг «Политотдел» командаси футболчилари Фарғона шаҳрида маҳаллий «Нефтяник» командаси билан ўйнаб 2:1 ҳисобида ғолиб чиққан эдилар. Ўтган куни қишлоқ футболчилари ўз майдонларида яна бир учрашув ўтказдилар. Улар турнир жадвалининг иккинчи ўринида бораётган Фрунзе шаҳрининг «Олга» командасини қабул қилди. Кескин спорт курашлари остида ўтган бу матчда кучлар тенг келди. 90 минут давомида ҳисоб очилмади. Ҳар иккала команда биттадан очкога эга бўлди.

Ўз группасининг карвонбошиси «Политотдел» командаси ҳамон олға интилмоқда.

Совхозда янги стадион

Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхози ишчилари муносиб туҳфа олдилар. Совхоз марказида 7.200 томошабинга мўлжалланган стадион қурилиши тугалланиб, спорт шинавандалари ихтиёрига топширилди.

ҲОДИСА

Чўпоннинг жасорати

Туяжой яйловида бўрилар пайдо бўлиб қолди. Қашқирлар «Деҳқонобод» совхозининг сурув-сурув қўйларига ҳужум қилиб, чўпонларни ташвишлантириб қўйди. Совхознинг моҳир чўпони Амирқул ака бўрилар изидан тушди. Бир куни қоронғи тушгач, кутилмаганда бўрилар худди ўчакишгандек Амирқул ака отарига ташланди. Амирқул ака ити билан уларнинг орқа томонидан айланиб ўтди. Ит дастлаб бир бўрига отилди ва у билан олиша кетди. Амирқул итга ҳомийлик қилиб заранг таёғи билан бўрининг қаншарига урди. Бўри зарба ва итнинг қаттиқ силкинишидан ерга йиқилди. Қолган икки қашқир эса, шу она бўрининг болалари бўлиб, улар ҳам Амирқул аканинг тузоғидан қочиб қутила олмади. Ғузор районидаги «Деҳқонобод» тайёрлов идораси чўпон А. Шоймардоновни 100 сўм пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ва «Деҳқонобод» совхози дирекцияси, эса бир бош қўй билан мукофотлади.

Й. МИРЗАЕВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

БУХОРО. Қоракўл районидаги «Ленинград» колхози кутубхонасида доҳий Лениннинг ҳаёти ва ижоди фаолиятига бағишланган виставка ташкил қилинди.

Ш. АМИНОВ.

СУРХОНДАРЁ. Шўрчи районидаги Киров номли колхозда янги магазин ва болалар боғчаси биноси қуриб битказилди.

А. ЖУРАЕВ.

«РОССИЯ»НИНГ БИРИНЧИ МЕҲМОНИ

Тошкентнинг гўзал жойларидан бири Сапёрлар майдонида янги «Россия» деб номланган меҳмонхона қурилиши битказилганлиги тўғрисида матбуот орқали хабар берилган эди.

Куни неча бу муҳташам бино фойдаланишга топширилди. Меҳмонхона администратори Е. Л. Муравьева қайд қилиш дафтарига, пойтахтимизга Термиз шаҳридан меҳмон бўлиб келган, Сурхондарё область сув хўжалигининг ходими А. Скорикнинг фамилиясини биринчи бўлиб рўйхатга олди.

«Россия» меҳмонхонасининг биринчи меҳмони бўлиш шарафига муяссар бўлган Т. А. Скорикдан янги меҳмонхона унга ёққан-ёқмаганлиги тўғрисида сўраганимизда у шундай деди:

— Етти қаватли, барча қулайликларга эга бўлган бундай меҳмонхонанинг пойтахтимизда қад кўтариши қувонарли. Меҳмонхона ходимлари биринчи марта меҳмонлар қабул қилаётганликларига қарамай, меҳрибон, хушмуомала. Жиҳозлари жуда бежирим. Ҳар бир хонада кийим-кечак ва сақлаш хонаси вазифасини бажарадиган шкафлар меҳмонларга қулайлик туғдиради.

Меҳмонхонада жами 214 хона бор. Бу хоналар 320 кишини қабул қилади. Ҳар бир меҳмон учун қулайликлар яратилган.

Меҳмонхонанинг ёнгинасида 250 хўрандага мўлжалланган ресторан ҳам очилди.

П. ГАДОЕВ.

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси коллективида илғорлар жуда кўп. Мукаррам Назарова (чапда) ва Клара Набиева ўртоқлар машина-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиб, кундалик нормаларини 110-120 процентга етказиб адо этаётирлар.

А. Тўраев фотоси.

ҲОСИЛНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Пахтакорлар чигит — ҳосилнинг асоси, фундаменти, унинг олтин фонди дейишади. Бу бежиз эмас. Пахта ери экишга қанчалик яхши тайёрланмасин, ўғитланмасин, экиш муддати тўғри танланмасин ва ғўза парвариши кўнгилдагидек ташкил этилмасин, **агар уруғлик чигит ёмон бўлса пахтадан мўл ҳосил олиб бўлмайди.** Халқимизнинг **«Нима эксанг шуни оласан»** деган ҳикматли нақли ҳам худди шуни назарда тутади.

Бу йил республикамиз деҳқонлари табиий офат юз берганлиги ва об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги туфайли вужудга келган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиб, олинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш имкониятини берадиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Мўл ҳосил етиштиришда эришилган ана шу ютуқда олимларимиз, селекционерларимиз ва уруғшуносларимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Кўп йиллар мобайнида республикамизда бу йил биринчи марта бир миллион гектардан ортиқ майдонга, яъни барча пахта майдонининг 65,3 процентига **биринчи класс униб чиқиш қобилиятига эга бўлган** юқори сифатли чигит экилди.

Ҳозир пахта далаларида ҳосил йиғим-терими қизғин давом эттириляпти. Шу муносабат билан биз уруғлик пахтани териш, уни комплектлаш ва тозалашда қатъий интизом бўлиши зарурлигига колхоз ва совхозлар, район қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳамда тайёрлов системаси органлари раҳбарлари ва мутахассисларининг эътиборини яна бир марта қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўтган йиллардагидек, бу йил ҳам, уруғлик пахтанинг кўпчилик қисми қўлда терилиши зарур. Илмий тадқиқот муассасалари кўп йиллар мобайнида тўплаган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги босқичда уруғлик пахтани теришни кенг миқёсда машиналаштиришни тавсия этиш имконияти йўқ. Гап шундаки, машинада терилган уруғлик пахтанинг чигити эзилиши сабабли ностандарт бўлиб қолади, унинг ҳосилдорлик сифати камаяди. 1965 йили машиналар билан 36 минг тонна уруғлик пахта, шу жумладан 2-репродукцияли чигит экилган майдонлардан 6000 тоннага яқин уруғлик пахта етилди. Натижа шу бўлдики, 22 минг тонна пахтанинг чигити бошданоқ ҳаддан ташқари эзилганлиги, намлиги ва куйиб сарғайганлиги сабабли дарҳол брак қилинди. Қолган 14 минг тонна пахтадан олинган чигит ҳам кўп даражада эзилган бўлиб, иккинчи-учинчи класс хусусиятига эга эди. **Оқибатда бу уруғлик чигитдан экишда фойдаланиб бўлмади.** Масалан, Сирдарё областида машинада терилган уруғлик пахтадан 3315 тонна чигит олинган эди. Унинг фақат 402 тоннасидан фойдаланилди.

Шундай қилиб, машинада терилган пахтадан юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлаш проблемаси ҳали ҳал қилингани йўқ. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахтачилик соҳасида иш олиб бораётган илмий тадқиқот муассасалари зиммасига яқин икки-уч йил ичида ана шу масала юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни юклади. Жумладан, улардан пахта териш машиналари ишининг режимини белгилаш, тайёрлов пунктларига бошқа пахталар билан бир қаторда келадиган уруғлик пахтани сушилкаларда қуритиш, уни комплектлаш ва сақлаш технологиясини ишлаб чиқиш, пахта тозалаш заводларидаги асосий ускуналар ишининг технологик режимини белгилаш, пахтадан ажратилган чигитни сортларга ажратиш масаласини ҳал қилиш ва ҳоказолар талаб қилинди.

Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган учта асосий илмий тадқиқот институтлари — союзНИХИ, НИИХПРОМ ҳамда Пахта селекцияси ва уруғчилиги институти ана шу муҳим масалалар ҳал қилингунга қадар уруғлик пахта асосан қўл билан терилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бундан, ялпи пахта ҳосилининг ҳаммаси бўлиб 10 процентга яқинини ташкил этувчи уруғлик пахтани қўлда териш пахтачиликда машина теримини жорий этишга тўсқинлик қилиши керак, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта.

Биринчидан, республиканинг барча областларида пландан ташқари 3-репродукцияли чигит экилган майдонлар бўлиб, айниқса ишчи кучи етишмайдиган хўжаликларда ана шу майдонлардаги пахтани машинада териб олиш мумкин. Иккинчидан ҳатто ихтисослаштирилган элит-уруғчилик хўжаликларида ҳам биринчи, иккинчи ва учинчи репродукцияли чигит экилган майдонларда ғўза тупларининг пастки қисмидаги яхши пишган кўсакларнинг пахтаси уруғлик учун қўлда териб олингач, қолган ҳосилнинг ҳаммасини машинада териш имконияти бор. Бунинг учун дала одатда пахтаси машинада териладиган участкалар қандай тайёрланса агрегатларнинг ишлаши учун худди шундай тайёрланиши, ва механик-ҳайдовчиларга иккинчи терим юзасидан иш нормаси белгиланиши лозим. Бунда ана шу зайилда терилган пахта давлат томонидан биринчи сорт пахта нархи билан қабул қилинишини ҳисобга олиш керак.

Биз 3-репродукцияли чигит экилган майдонлардаги уруғлик пахтани териш сифатига алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, гарчи ана шундай майдонлар бу йил умумий пахта майдонининг 16 процентига яқинини ташкил этса ҳам, ундан олинган чигит келгуси йили ҳар бир областда умумий пахта майдонининг 75-80 процентига экиш учун етади. Шу туфайли айрим раҳбарлар ва мутахассисларнинг 3-репродукцияли чигит экилган майдонлардаги пахтани машинада теришни тавсия этиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса айрим раҳбарлар, масалан, Қашқадарё областининг раҳбарлари барча пахта майдонининг беш процентга яқинини ва тайёрланадиган пахтанинг икки процентини ташкил этувчи 2-репродукцияли чигит экилган майдонлардаги пахтани машинада теришга интилаётганликлари кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Эзилганлиги ташқи кўринишидан яққол кўзга ташланиб турган бир процент чигит соясида ички мағизи шикастланиб, яроқсиз ҳолга келган ўнлаб процент чигит яширинган бўлиши ҳақидаги фан маълумотларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Пахта селекцияси ва уруғчилиги институти шуни исботладики, уруғ шикастланган бўлса унинг униб чиқиши кечикади ва шикастланмаган уруққа нисбатан камқувват бўлади. Экилган ана шу хилдаги уруққа айниқса об-ҳаво шароити ноқулай келган йилларда қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандалар кўпроқ зарар етказади. Бундан ташқари, машинада терганда пахтага 30 процентгача яхши ривожланмаган, касалликка чалинган ва пишмаган кўсакларнинг пахтаси аралашади. Бунинг оқибатида уруғлик чигитнинг сифати анча ёмонлашади. вилт касаллиги кўп тарқалиши учун имконият вужудга келади. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада ҳосилдорликнинг 30 процент ва ундан кўпроқ камайишига сабаб бўлади.

Уруғлик чигит аъло сифатли бўлишига эришмоқ даркор. Бундан умуман пахтачилигимиз, хусусан давлат ва хўжаликларнинг ўзлари жуда катта фойда кўради. **Агар уруғчилик соҳасида бугунги кунда оз бўлса ҳам хатога йўл қўйилса, у келгусида неча минглаб центнер пахтани кам олишга сабаб бўлади.**

Республиканинг бир қатор область ва районларида ғўза ривожланиш жиҳатидан орқада қолган бу йилги шароитда юқори сифатли уруғлик фонди тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу туфайли уруғлик пахтани теришни тўғри ташкил этиш ҳақида ғамхўрлик қилиш—партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари: колхоз ва совхозлар, пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари раҳбарларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

А. ДАДАБОЕВ,
биология фанлари доктори,
К. КУРОЧКИН,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.
М. ЛЯЦКИЙ,
А. ДУДКО,
Ф. ЛИСЕНКО.

Олмаота шаҳридан келган қурувчилар Тошкент Чилонзорида уй-жой биноларини тезкорлик билан тикламоқдалар. Ҳар бир бинокор иморатларни эртароқ қуриб фойдаланишга топшириш тараддудини кўрмоқда. Суратда: илғор бўёқчи Р. Дудинко.

А. Тўраев фотоси.

ҚАҲРАМОН МОНТАЖЧИ

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

Бир қарашда уни бошқалардан ажратиб турадиган ҳеч қандай хусусият йўқдай: смена тугади дегунча китобга ёпишади, шахмат тахтаси устида соатлаб бош қотиради, концерт тинглашни хуш кўради, дўстлари билан баҳслашади...

Эгнига жомакор кийгач, қўлидаги пайванд аппарати яшил олов пуркай бошлагандан кейингина унинг ҳамкасбларидан кескин фарқланиб туришини сезасиз. Ҳаракатлари аниқ, чаққон. Энг масъулиятли участкалар унга топширилади. Қаватларни кун сайин юқори кўтаради, панелларни асрларча жипс ва мустаҳкам турадиган қилиб бир-бирига улайди. Худди шу борадаги ажойиб маҳорати, ишдаги ибрати, юксак малакаси унинг манглайини яркиратди — кўксига Олтин юлдуз тақди!

Олтиариқнинг Файзиобод қишлоғида ўсиб вояга етган оддийгина қишлоқ йигити Турсунали Қаюмов Фарғонадаги қурилиш ташкилотига ишга келганда, келажакда довруқли бинокор бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Нимжонгина бу йигитчага дастлабки ойларда қурилишдаги енгил-елпи ишларни бажариб юришни буюришди. Аммо бундан унинг кўнгли тўлмасди. Ҳадеб илтимос қилавергач, бош прораб иккиланиброқ бўлса ҳам уни ғишт терувчига ёрдамчи қилиб ўтказди. Ўтказди-ю, Турсунали ҳақидаги фикрлари бутунлай ўзгариб кетди. Синчков йигит тез орада малакали ғишт терувчи бўлиб қолган эди.

Лекин бир истак Турсуналига сира тинчлик бермасди. Ўзи билан ишлаётган йигит ва қизлар орасида уч, ҳатто тўрт касбни эгаллаб олганлар ҳам оз эмас. Хўш, улардан қаери кам?

Шу ҳис уни янги касбларни эгаллашга даъват этарди. Тўғри, қўшимча касбларни эгаллаб олиш осон бўлмади. Ойлаб жон куйдириб ишлашга тўғри келди. Меҳнат — Турсуналини муродига етказди. Орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, у сувоқчи, пардозчилик касблари билан бир қаторда монтажчиликни ҳам ўрганиб олди.

Гўзал Фарғонага йўли тушиб қолган ҳар бир киши шаҳарни томоша қилар экан, қисқа вақт ичида ўнлаб кўп қаватли уй-жой ва жамоат бинолари қад кўтарганини дарҳол сезиб олади. Аммо ана шу уйларнинг кўпчилигига пойдевор ётқизишдан тортиб — пардоздан чиқаришгача бўлган жараёнда камтарин, меҳнатсевар бинокор Турсуналининг хилма-хил касблари қанчалик қўл келганини ҳамма ҳам билавермайди. Турсунали Фарғонадаги йирик полиграфия комбинатини бунёд этишда ҳам, тўқимачилар шаҳарчасида ўнлаб кўп қаватли уй-жойлар қурилишида ҳам, нефтчилар шаҳри — Қирғулида кўп қаватли 150 уй калитини меҳнаткашлар қўлига топширишни тезлатишда ҳам коммунистга хос ғайрат ва шижоат билан ишлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор монтажчи Турсунали Қаюмов ҳозир республикамиз пойтахтида тер тўкяпти. У буюк унвон олишга муяссар бўлганини ҳам шу ерда эшитди. Фарғоналик қаҳрамон бинокор ўнлаб ҳамкасблари қатори янги Тошкентни бунёд этишдек олижаноб ишга бажонидил ҳисса қўшаётир. У ишлаётган коллектив зилзила туфайли бошпанасиз қолган тошкентликларга ҳамма қулайликлари бўлган тўртта кўп қаватли уй-жой биноларини армуғон этади. Дастлабки 44 квартирали уйнинг калити ҳадемай эгаларига топширилади.

Турсунали шу кеча-кундузда ўз касбдошлари билан навбатдаги уйларда монтаж ишларини жадал олиб боряпти.

О. ҲАКИМОВ.

САБЗАВОТЧИЛАР ЮТУҒИ

Оржоникидзе районидаги Фрунзе номли колхоз давлатга сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш йиллик планини районда биринчи бўлиб бажарди. Колхоз сабзавотчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 500 тонна сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, райондаги «Правда» колхози ҳам сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планини ортиғи билан бажарди. Миришкор деҳқонлар она-Ватанга ҳаммаси бўлиб 3.716 тонна сабзавот маҳсулотлари армуғон этдилар.

И. РУСТАМОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Улуғ Октябрнинг шонли 49 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлашга аҳд қилган Янгийўл колбаса тажриба заводи коллективи катта муваффақиятга эришди. 20 сентябрь куни — муддатидан илгари 9 ойлик план ортириб бажарилди. Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани 104,9 процент адо этилди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми бўйича белгиланган топшириқ 4,8 процент ортиғи билан бажарилди.

Коммунистик меҳнат корхонаси деган қутлуғ номга яраша ишлаётган завод коллективи ой охиригача Тошкент шаҳри аҳолисига қўшимча равишда 80 тонна колбаса маҳсулотлари ва 100 минг сўмлик бошқа маҳсулотлар етказиб бериш учун курашмоқда. Инки кварталдан буён сирасига СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаётган коллектив аъзолари беш йиллик-нинг дастлабки йилида шундай муваффақиятларга эришмоқдалар.

АЙИРБОШЛАШ ФОНДИ

Бухоро мотор ремонт заводининг коллективи тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан олдин бажарди. Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Андижон областларидаги хўжаликларнинг деталларга бўлган буюртмалари тўла бажарилди.

Корхона пахта териш машиналари ва ҳайдов тракторлари двигателларини капитал ремонтдан чиқаришни муваффақиятли равишда ўзлаштирди.

Ҳозир завод барча маркалардаги моторларнинг катта айирбошлаш фондига эга. Бу эса, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг устахоналарига, колхоз ва совхозларга «Д-37» ва «ДТ-54» маркали двигателлари бўлган тракторлар ремонтини ўз вақтида ўтказиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

30 ТИЙИНГА «МОСКВИЧ»

Хоразм область, Хазорасп район «Ленинград» колхозидаги 8 йиллик мактаб директори Я. Сададдинов сотиб олган лотерея билетига «Москвич» машинаси чиқди.

С. Машарипов.

ОБУНА ҚИЗҒИН

Андижон районидаги «Москва» колхозининг аъзолари 1967 йил учун газета ва журналларга обуна бўлмоқдалар. Колхозчилар «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон маданияти», «Коммунист», газеталарига ва «Саодат», «Фан ва турмуш», «Муштум» журналларига ёзилмоқдалар. Обуначилардан Х. Назиров 25 сўмлик, А. Эргашев 29 сўмлик, А. Ҳакимов 33 сўмлик газета ва журналга обуна бўлдилар.

Т. Ҳотамов.

ПАХТАЗОРГА ЖЎНАШДИ

«Узсельхозтехника» Жиззах район бирлашмаси қошида очилган механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини тамомлаган 90 дан ортиқ йигит-қиз колхоз-совхозларга ишга жўнаб кетишди.

В. ДАМАНОВ.

КОЛХОЗ УСТАХОНАСИ

Ўзбекистон районидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинати «Пахтақайнар» колхозининг Тошкўприк участкасида янги устахона очди. Устахонада радио, телевизор ва велосипед ремонт қилинади.

М. Отақулов.

ОБОД КОЛХОЗ

Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда 2 қаватли правление биноси қурилди. Мазкур хўжаликда Ш. Руставели номли ўрта мактаб биноси солинди ва у ҳам фойдаланишга топширилди.

Т. Жуманиёзов.

РАДИОЛАР НЕГА «СОҚОВ?»

Яккабоғ район, «Қизил Юлдуз» колхозидаги ҳамма хонадонлар радиолаштирилган. Аммо, колхознинг Совуқ булоқ ва Тезоб участкалари да бир ойдан бери радиокарнайлар сукут сақлаб, чумчуқлар «қароргоҳи»га айланиб қолган.

Бунга колхоз раҳбарлари нима дейишаркин?

Г. Ҳолиқов.

* * *

Газетхонлардан Э. Товашаров (Нарпай), М. Ботиров, А. Эшбоев, Р. Шамсиддинова, Т. Ражабов (Сариосиё), Р. Алиқулов (Денов), С. Ёқубов (Гурлан), Д. Тлеубаев (Беруний), О. Нажимов (Амударё), М. Каттабоев (Чуст), К. Зокиров (Оржоникидзе), М. Қаршибоев (Бўка), А. Тошпўлатов, Х. Содиқов, С. Сафарбоев (Тошкент шаҳри), А. Ҳамидов (Туркистон)лар ҳам ўз хатларида шу куннинг муҳим масалаларини ёритишга интилганлар.

Суратда: Чилонзорнинг 5- секторида қуриб тамомланган янги уй. Яқинда бу уйга зилзиладан бошпанасиз қолган оилалар кўчиб киришади.

И. Глауберзон фотоси.

Ҳаким НАЗИР.

«КЕЛАРМИКАН ДАДАЖОНИНГ?»

ҲИКОЯ

Бир атрофдан чанг-тўзонни чарх урдириб бир варақайига бошланган бўрон, хаял ўтмай ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб ташлади. Зебинисо ўтирган иккинчи қават рўпарасидаги дарахтларда чуғурчиқлар чирқиллашиб, ўз уялари атрофига уймаланиб қолишди. Зебинисо қулоғига катта бино орқасида дарахт гупиллаб ағдарилгани, тўнука томнинг тарақлаб кўчгани, яна алланималарнинг гумбурлагани эшитилди. Уст-устига момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақди. Бўрон аралаш шаррос ёмғир қуйиб берди. Уйга дув урилган ёмғирдан кўз очолмай қолган Зебинисо деразани бекитди.

Ёмғир шиддатли селга айланиб, уйни зулмат босган сари, Зебинисонинг хаёли келини билан неварасига оғди: «Уйи бир ҳолатда эди. Пуф деса учиб кетгудай. Бунинг устига у ерлар зилзиланинг киндигига яқин дейишади! Ҳоли нима кечдийкин? Сайфиддин бордимикин?..

Шу чоғ, кийими шилтаю-шалаббо бўлиб Сайфи кириб келди. Унинг лой қоришган ботинкасини ечиб оларкан, онаси сўради:

— Гулсарадан хабар олдингми, ўғлим?

— А-а? — деди Сайфи эшитмаганга олиб, — Бўроннинг ваҳимасини кўрдингизми? Зўрға етиб келдим ўзим. Қўрққандирсиз-а, ойи?

— Ўзинг қаерда эдинг? Бормадингми бугун ҳам? Нима деб тайинлагандим эрталаб?..

— Уни-буни қўйинг, ойи, — деди Сайфи, гапни чалғитмоқчи бўлиб, — бўрон зилзиладан ҳам баттар бўлади-да. Ўз кўзим билан кўриб келдим: томларни учириб, машиналарни бир-бирига уриштириб юборса-я! Ҳув анави тепаликда турган фанер дўкон-чи, ичидаги одамлари билан пақкос ағдарилиб тушса бўладими!..

— Ҳаммасини билиб ўтирибман. Бўлди! — деб жеркиб солди Зебинисо. — Гапимга жавоб бер: бормадингми? Ҳа, баттол. Қани чаққон кийингин-у, бориб кел!

Қош қорайиб қолган эди. Сайфи электрни ёқай деса ёнмади. Қаердадир сим узилибди. Қоронғида туртиниб, онаси келтирган тоза кийимларни кийди. Зонтик олиб пастга тушди. Сел шиддатидан тушган бўлса ҳам, кўчани йўлкаларгача сув босиб, юриш қийинлашган эди.

Сайфи қўшни маҳалла томон бурилар экан, йўл оғирлиги устига кўкрагидан биров итараётгандай эди. Бу томондан қадами узилганига бир ойча бўлиб қолганди. Қадамини узган нарса аслида ўз қилмиши эканини билса ҳам, гуноҳини хотинига тўнкаб келарди. Мана энди онасининг зўри билан хотини олдига бораётиб, ўтган кунларини ўйлаётибди. Эр-хотин беш йилча яшаб ортикча сан-манга боришмаганди. Сайфи шаҳардаги интернатда тарбиячи, Гулсара туғруқхонада акушерка эди. Нима бўлди-ю, Сайфи ўз ишидан айниб қолди. Қайси бир шериги кўмагида вагон ресторанига ўтди. Ҳафталаб сафарда бўлиши устига ичиб келишни одат қилди. Шундан бошлаб уйда ғиди-биди чиқди. Қўни-қўшнилар Сайфини «москопчи бой» деб кулги қила бошлашди. Гулсара номус қилиб, «шу ишингизни қўйинг» деб неча марта ялинганди. Сайфи: «Интернатда шунча ишлаб бирим икки бўлдими! Ишнинг ёғлиги бу ёқда экан-ку. Нонтепкилик қилма!» деди.

Кейинги пайтда уйига шерикларини тез-тез бошлаб келиб тонготар ичкиликбозлик қилишни чиқарди. Бунисига Гулсара чидай олмади. Эрига ачитиб сўзлади. Ёнига қайнонаси қўшилди. Сайфи буларни менсимай ўз қилиғини қилавергач, Гулсара боласини олиб ойисиникига кетиб қолди. Сайфи, онасининг зўри билан бир марта кемиб хотинини олиб кетмоқчи бўлган эди. Гулсара: «Ўз ишингизга қайтмагунингизча бормайман» деб шарт қўйди. Сайфи бу шартни бажармади...

У, хаёлга чўмиб бораётиб неча марта лойга сирғаниб кетди. Охирги сирғанишида муюлишдаги ағдарилган деворнинг синчига урилиб, пешанаси ғурра бўлди. Пешанасини силай-силай Гулсаралар кўчасига буриларкан, кўр ойдинда хунук манзарага кўзи тушди: кўча бўйлаб қаторлашган брезент чодирларнинг ўрта ерида кекса қайрағоч кўндаланг тушиб, илдизидан қўпорилиб ётибди. Сайфи чўчиб тушди: қайрағоч шундоққина Гулсараларнинг эшиги рўпарасида эди-я! Ана, унинг баҳайбат танаси, тарвақайлаган серпанжа шохлари Гулсаранинг уйига босиб тушибди! Дарахт атрофида одамлар уймалашган. Ҳамма ваҳимада: «уй эгалари соғми?» деб бир-бирдан сўраяпти, бир-бирига билганини тушунтиряпти. Шу сўзлардан Сайфи англаб олди: бўрон вақтида Гулсара чодирдан ўзининг бузилиб ётган уйига ўтган экан. Дарахт ағдарилиши билан уйдан қочиб чиқаман деб зинадан пастга йиқилибди-ю, дарахт шохларининг сотида қолибди. Ҳозиргина «шошилинч ёрдам» машинаси уни беҳуш ҳолда олиб кетибди.

Сайфининг юраги орқасига тортиб кетди. Боласини қидириб кўзлари ҳар ёққа жаланглади. Қоронғида одамлар буни танимади. Шундай бўлса-да, гўё ҳамма: «Ана, офат вақтида ташлаб қўйган эри, инсофсиз!» деб унга кўмраяётгандек туюларди. У ўзини аста четга олди. Чодирлар орқасидан нариroq юрди. Шунда бир чодирдан болаларнинг чувир-чувири эшитилди. Зеҳн билан тингларкан, қулоғига таниш овоз чалинди. Жуда ҳам таниш! Суяржон! Ўғилчаси! Ҳаяжон ичида Сайфи чодирнинг олдига ўтди. Одам сиғарли туйнукдан кўз ташлади: электр ўрнида шам пилпиллади. Стол атрофида болалар уймалашяпти. Улар дунё ташвишидан холи шу тобда «меҳмон-меҳмон» ўйнашиб чой ичишган-у, бир кампир чойнак-пиёлаларни йиғиштириб қўяётган эди. Дарров болалардан бири чиройли қутичадан столга шалдиратиб кубиклар тўкдида, боғчада ўрганиб келган ҳунарини кўрсатиб, уйчалар қуришга тушди. Иккинчиси «дуд-дуд» қилиб жажжи машинасини юрғиза кетди, бу машиначани унга кеча «туғилган кунингга совға» деб дадаси келтирганини мақтаб ҳам қўйди. Оғзи очилиб турган болалардан бири унга:

— Бизни ада ҳам совға оберади туғилган кунимизга, — деб қўйди.

— Бизни адаям...

Буни ўйинчоқларга маҳлиё бўлган Суяржон айтди. Ҳа, у яқинда учга тўлади.

— Сизнинг дадангиз келармидики? — деди унга бўйи тикроқ бир бола.

— Ҳим, теладц...

— Албатта келади адагинаси, — деди кампир Суяржоннинг бошини силаб.

Бу сўзлар, болаларнинг олдига кирсаммикин деб турган Сайфининг кўнглига ғалаён солди. Ҳозир кирса, гўдаклар ўраб олиб «Қаёқда юрибсиз? Қани совғангиз?» деб сўроққа тутадигандай, кампир «Шундоқ бағри тош ота ҳам бўладими!» дея дашном берадигандай туюлди. Ўзини қоронғига тортди. Лойни шалоплатганча зудлик билан изига қайтди.

— Қалай, соғ-саломатми? — деди Зебинисо уни кўриши биланоқ.

Тили сўзга келмай оғир тин олиб турди Сайфи.

— Ҳа, нима бўпти? Гапирсангчи! — деди она ҳайқириб. Сайфи энтикди. Иңғламоқдан бери бўлиб, воқеани сўзлади. Зебинисо ҳуши бошидан учиб, ўтириб қолди. Кейин бу кўргиликларга Сайфи, фақат шунинг ўзи сабабчидай:

— Ҳа, баттолгина-я! Онанг сўзига қулоқ солмадинг, вақтида хабар олмадинг! Ҳа, бола-чақангнинг уволи туткур-а! — деб йиғи солди. — Ҳозироқ бориб болани олиб келишни буюрди.

Сайфи қулоқ қоқмай, чиқди...

Онасининг қаерга кетганини билолмай қолган Суяр, хархаша қилиб ўтирган эди. Ётсираб ҳа деганда адасига ёпиша қолмади. Кела-келгунча ғашлик қилди. Ўзига элакиштириб, «ойинг сенга маяжни опкегани кетган. Ҳали замон келади», дея ишонтириб ухлатгунча Зебинисонинг эси кетди. Бола ухлагани билан Зебинисо ухлай олмади. Не-не хаёллар оғушида келинини ўйлаб, хавотирланиб чиқди.

Эрта билан Зебинисо аччиққина мастава пишириб, Сайфини касалхонага юбормоқчи бўлиб турса, Сайфи чемоданини йиғиштираяпти. Она тутоқди:

— Янами?... Бормайсан ҳеч ёққа! Бўлди санқиганинг!...

Сайфи шу охирги сафарга чиқиши эканини айтди. Онадан икозат бўлмади. Ноилож, Сайфи онаси туткизган тугунчани кўтариб, касалхонага жўнади.

Зебинисо, ўғлим хушхабар келтирармикин, дея умидланиб қолди. Соатларча илҳақ бўлиб кутди. Ўғилдан дарак бўлавермади. «Касалхона Оқтепада деган эди, Оқтепа қочиб кетибдими. Ё касали оғир бўлса тепасида ўтириб қолдимикин? Ё касалхонадан чиққандан сўнг у ёқ-бу ёққа боши оғдимикин? Куйдирди-да, баттол, куйдирди!...

Зебинисо ортиқ тоқат қилолмади. Болани қўшнига тайинлаб ўзи йўлга чиқди. Сўрай-сўрай касалхонани топди.

Мана Зебинисо палатада. Кўзлари жовдираб, ўнг-сўлдаги каравотларга қарайди. Келини қани? Кетидан ҳамшира келиб, қулоғига: «врачнинг буйруғини унутманг, ортиқча гаплашманг» деб огоҳлантирди-да, бурчакдаги каравотга бошлади. Ана қўнғир сочлари ёстиқ билан битта бўлиб кетган ёш жувон кўрпадан қўлларини чиқариб Зебинисони ўзига имлаяпти, Зебинисо унинг заъфарон бетларига термулиб турди. Кейин эса танимагандай:

— Вой, шўрим... Сенмисан... болам! — дея унинг бағрига отилди. Юз-кўзларини силаркан, Гулсаранинг тим қора кўзларида ёш йилтиради.—Нима бўлди, болам, дардинг оғирми?

Гулсара тўлиқиб сўзлаёлмасдан, бошини сарак-сарак қилади. Ўзини хиёл босиб олгач, деди:

— Овора бўпсиз-да. Ўзингиз тинчмисиз, ойижон? Суяр ёлғиз қолди-да...

— Суярнинг ёлғиз қолмайди, болагинам. Суярнинг бағримда. Хотиржам бўл, ўзингни ўйла...

Гулсаранинг ғамгин кўзларида севинч шуъласи барқ уриб, заъфарон чеҳраси ёришгандай бўлди, «Раҳмат» деб лаби пичирлади.

Гулсара, энди Сайфининг келган-келмаганини сўрай деб турган эди. Ҳамшира, ҳали бир йигит келиб кирмоқчи бўлгани, лекин бемор киритмаганлигини айтиб берди.

Зебинисо хаёл-суриб келди. «Нега киритмади экан-а? Киролмаган бўлса Сайфи қандоқ аҳволга тушдикин? Ўсал бўлгандир роса!.., Ўзидан кўрсин, баттол, ўзидан!...» Ҳозир ўғли уйда ўтирган бўлса хўб койиб аламдан чиқмоқчи эди. Ўғли ҳамон қайтмабди.

Сайфи ўша кетганича бир ҳафтада ҳам қайтмади.

Бу орада Гулсаранинг лат еган аъзолари хийла тузалди. Боласига ичикиб, ҳадеб ўтинавергач, уйига боришга рухсат беришди. Зебинисо уни тўғри ўз уйига олиб келди.

Куни кеча Зебинисо ўғлининг бир ўртоғидан шундай янгилик эшитиб келди: Сайфи Чирчиққа, зилзилада вайрон бўлиб, ўша ерга кўчирилган ўв интернатига ялиниб борганмиш. Уни, қилган гуноҳи учун хозирча паст ишга қўйишганмиш. Сайфи шунга ҳам рози бўлибди-ю, аммо хотинимнинг бетига қандай қарайман деб юзи шувут эмиш.

Ҳарқалай ўғлим инсофга келибди деб Зебинисо сал тинчиган бўлса-да, онаизор юрагининг бир чеккаси ачишди: чет жойда ёлғиз ўзи иссиқ-совуқсиз қийналиб қолмадимикин?...

Гулсара эса эри ҳақидаги хабарга унча парво қилмагандай эди.

Бироқ Суяржоннинг хархашаси ўтиб тушди. Кунига неча марта сўрайди:

— Адам қачон теладиʻ?...

Бувиси, «Адажонинг бугун-эрта келади» деб юнатса ҳам, ойиси —

— Қайдам, — деб қўйди. Дили эса зирқирайди: «Кечиб кетганга ўхшайди бутунлай. Билолмадим, келармикин дадажонинг?...»

Турли мамлакатларда

КАПИТАЛ ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН МАМЛАКАТЛАРДА

ЗАБАСТОВКА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Канадиен трибюн» газетаси саҳифаларида Канада тарихида камдан-кам учрайдиган ва 9 ойдан бери давом этаётган забастовка тўғрисида хабар босилиб чиқди. Новости матбуот агентлиги газетхонларнинг эътиборини ана шу хабарга жалб қилади.

Питерборо шаҳрида жойлашган «Тилко пластикс компани» тўқимачилик фирмаси дарвозаси олдида талабномалар кўтариб олган 12 аёл у ёқдан-бу ёққа жимгина ўтиб-қайтиб турибди. Бу иш ташлашга суд томонидан рухсат берилган энг кўп кишилардир. Улар ҳозиргача шундай қатъиятлик ва чидам билан иш ташламоқдалар. Забастовка бундан 9 ой муқаддам бошланган эди. У бугун Канада матбуотининг эътиборини ўзига жалб этди.

«Тилко» фирмаси биноси пасттаккина бўлиб, қизил ғиштдан қурилган. Бир нечта деразалари синдирилган ва айрим кўзлари ўрнига картон қоғозлар қўйилган...

Тўқимачи ишчилар касаба союзи вакили Вик Скурджат шундай дейди:

— Иш ташлашга асосан компания эгаларидан бири, «голландиялик» деган лақабли Гарольд Памметнинг ўз заводида ишчиларга касаба союз бўлими ташкил этишга рухсат бермаганлиги сабабчидир. Бироқ декабрь ойидаги чиқишларга компания эгаларининг меҳнат битимидаги шартларга биноан ҳар бир ишчига 25 доллардан мукофот беришдан бош тортганликлари сабаб бўлди.

Корхонада кўпчиликни ташкил этадиган хотин-қиз ишчилар норозилик белгиси остида фабрика олдига талабномалар кўтариб чиқдилар. Паммет эртасига юз бераётган воқеалар тўғрисида ҳеч кимга билдирмасдан бошқа кишиларни ишга қабул қилди. Забастовка бошлангандан кейин уч кун ўтгач Паммет талабнома кўтариб турганлар сонини 12 кишигача камайтиришга муваффақ бўлди.

Юз тузилиши жиҳатидан ва причёска қилиш жиҳатидан сенатор Жозеф Маккартига ўхшаган «голландиялик» Паммет ўзига тўқ табақа ўртасида иш ташловчиларга қаҳр-ғазаб кўрсатиши жиҳатидан ҳозир «қаҳрамонлардан» бири бўлиб юрибди. Бироқ фақат иш ташлашга бевосита жалб қилинган кишилардан бошқалар ҳам тамоман ўзгача гапларни айтишади.

Эртаси куни хотин-қизлар улар компания ўз шартларини қўймагунга қадар ўзларини эркин деб ҳисоблашлари мумкин дейишди. Бироқ кўп ўтмай «голландиялик» умуман уларни кўришни истамаслигини ва ҳеч қандай шартлар қўймаслигини айтди.

«Кўпгина аёллар иш ташлаш туфайли ўзларининг ёзги отпускаларини оиласи билан ўтказишга биринчи марта имконият туғилгани яхши эмасми? — деди бу ҳақда иш ташловчи аёллар вакили Лилиан Оуэнер.

Февраль ойининг охирида «Тилко» биноси олдида учта кўп кишилик намойиш қатнашчилари судьяларнинг меҳнат можароларига аралашувига қарши норозилик билдирдилар. Маъмурлар бу сафар ҳам тез ҳаракат қилишиб қолди. 28 киши судга берилди. Тўғри, улардан иккитаси озод қилинди, қолганлари айбдор ҳисобланиб, турли муддатларга турмага қамаб қўйилди. Ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги талаблар ҳалигача қараб чиқилмаётир.

Ишчилар билан суҳбат қилар эканман, мен улар суднинг иш ташлашга аралашуви ҳақида қандай ўйлаётганликларини билишга ҳаракат қилдим.

«Памметнинг ўзи агар юстиция аралашмаганида биз икки ҳафта ичидаёқ ундан ёрдам олишимиз мумкинлигини тасдиқлади», — дейди Скурджат.

Пўлат эритувчилар касаба союзларининг вакили Науэлл ҳам худди шундай фикрда.

...Охири нима бўлар экан? Ҳозир тўқимачилар касаба союзи меҳнат шартномасини бузганлиги учун «Тилко» фирмаси эгаларига жазо берилишини талаб қилмоқдалар. Аёллар ҳамон фабрика олдида шиорлар кўтаришиб туришибди. Бирдамлик, касаба союзларининг қўллаб-қувватлаши ва молиявий ёрдами улар томонда.

Тўққиз ой — жуда узоқ муддат. Ишчи аёллар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг жуда ҳам чарчаганлиги яққол сезилиб турибди. Бироқ шунга қарамай, уларнинг ғалаба қозонмагунча курашишга бўлган қатъий қарори янада яққолроқ сезилади. Бу уларнинг ҳис-туйғулари бирлигидадир.

Стэн ЛИНН.

15 октябрда Москвада тўртинчи халқаро «Интерпрессфото 66» фотовиставкаси очилади. Бундай виставкалар Халқаро журналистлар ташкилоти томонидан ҳар икки йилда ташкил этилиб турибди. Виставкага ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина мамлакатларнинг фотосанъати усталаридан юзлаб экспонатлар келди. Энг яхши ишлар учун 10 олтин, 15 кумуш, 25 бронза медали таъсис этилган. Суратда: виставкага келган ишлардан бири. «АҚШ казармалари олдида», Манфред Трипп (ГФР).

(ТАСС фотохроникаси).

МУНОСАБАТЛАР ЁМОНЛАШМОҚДА

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Киншаса радиоси транспорт ва коммуникациялар министрлигининг ахборотини эшиттирди. Ахборотда Конго ҳукумати Конго (Киншаса) билан Ангола ўртасида ҳар қандай ҳаво алоқасини тўхтатишга қарор қилганлиги айтилади. Бу тадбир, деб таъкидланади ахборотда, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш зарурати сабабли кўрилди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ДАДИЛ ҲУЖУМИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Жанубий Вьетнам партизанлари Чулайдаги Америка авиация базасини миномётлардан ўққа тутиб, бир неча самолётни жиддий шикастлантирганлар ва АҚШ ҳарбий хизматчиларига талафот етказганлар.

Чулайдаги база АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги Данангдан кейинги иккинчи энг йирик базасидир.

ЖАВОБ БЕРАСИЗ, ЖАНОБ ГЕНЕРАЛ

Бир ярим миллион кишидан сал кўпроқ аҳолиси бўлган Парагвай Стресснер томонидан баҳайбат концлагерга айлантирилган. Ярим миллиондан кўпроқ парагвайликлар полиция тазйиқидан қўрқиб, чет элларга кочиб кетишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу мамлакатда одил суд ҳукмидан қочиб юрган минглаб гитлерчилар ўзларини эркин сезишяпти.

Яқинда парагвайлик Антонио Майдани, Хулио Рохас, Альфредо Алькорти ва қамоққа олинган бошқа ватанпарварларни озод қилиш учун халқаро кураш ҳафталиги бутун жаҳон бўйлаб кенг тус олди.

Ер юзидаги софдил кишилар Асунсьонга генерал Стресснернинг фашистик режимига нафратлар ўқиб, хатлар, телеграммалар, митинглар ва йиғилишларнинг қарорларини юбормоқдалар.

Парагвайдаги қамоқхоналарда халқнинг энг яхши фарзандлари, Парагвай Коммунистик партиясининг раҳбарлари аста-секинлик билан жисмоний йўқ қилишга маҳкум этилган. Саккиз йилдан бери улар қуёш нури ва соф ҳаво кирмайдиган нам турма камераларида сақланмоқда. Улар ёзиш ва ўқишдан маҳрум, ташқи дунёдан бутунлай ажралиб қолишган. Уларнинг ёнига на қариндош-уруғларини, на адвокатларни, на врачларни қўйишади. Кўпчилиги оғир касал...

Ҳозир янги ташвишли хабарлар келмоқда: профессор Хулио Рохас жуда ҳам оғир аҳволда «Риоберто Кабальеро» турма госпиталига ўтказилган. У оғир формадаги сил касаллигига чалинган. Кўплаб қон йўқотиш натижасида шонли ватанпарварнинг организми кучсизланмоқда, унинг ҳаётига хавф туғилмоқда.

Совет кишилари ўзларининг интернационал бурчига содиқ бўлганлари ҳолда Қизил Крест жамияти орқали сиёсий маҳбуслар ҳамда уларнинг оилалари учун Парагвайга озиқ-овқат, дори-дармонлар ва кийим-кечак жўнатган эдилар. Бироқ бу посилкаларнинг тақдири ҳалигача маълум эмас. СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзининг раиси профессор Г. Митерев генерал Стресснерга мактуб юбориб, кўп миллионли ташкилот номидан бемор сиёсий маҳбусларни озод этишни ва уларга соғлигини тиклаш учун мамлакатдан чиқиб кетишга рухсат беришни илтимос қилган эди. Бироқ бу инсоний мурожаатга ҳалигача жавоб келмаяпти.

Хулио Рохаснинг ўғли ва аёли террордан қутулиш учун ватанини ташлаб кетдилар. Яқинда профессор Рохаснинг ўғли папа Павел VI га Парагвайдаги сиёсий маҳбусларнинг жуда оғир аҳволда эканлиги ҳақида хат ёзиб юборди. Уларнинг болалари номидан профессорнинг ўғли католик черковининг бошлиғидан бемор кишиларни турмалардан озод этишга ўз таъсирини қўлланишни илтимос қилади.

Генерал Стресснер ҳамон сукут сақламоқда. Бироқ у барибир жавоб беради. У Парагвайда қилаётган 12 йил давомидаги барча жабр-ситамлари учун Парагвай халқи олдида ва бутун дунё жамоатчилиги олдида жавоб беради. У Парагвай халқининг аёвсиз ҳукмидан қочиб қутула олмайди.

А. ЗЛОБИН,
(АПН).

БМТ УСТАВИГА РИОЯ ҚИЛИНСИН

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). Чехословакиянинг БМТдаги доимий вакили Милан Клусак «халқаро муносабатларда таҳдидни ва куч ишлатишни тақиқлашга ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш» тўғрисидаги қўшимча моддани Бош Ассамблея XXI сессиясининг кун тартибига қўшиш ҳақидаги меморандумни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Танга юборди.

Меморандумда кейинги вақтларда суверен давлатларнинг территориал дахлсизлигини ва мустақиллигини қўпол бузиш ҳамда миллий озодлик йўлига кириб олган халқларнинг дахлсиз ҳуқуқларига ҳамла қилиш ҳоллари рўй бермоқда, дейилади. Бу ҳаракатлар, деб таъкидланади меморандумда, тинчликка ва халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Кения вице-президенти истеъфо берди

ЛОНДОН, 21 сентябрь. (ТАСС). Кения вице-президенти Жозеф Мурумби республика президенти Жомо Кениатага ўзининг истеъфо бериши тўғрисидаги аризани кеча топширди. Рейтер агентлиги мухбирининг Найробидан хабар беришича, Кения пойтахтида бу тўғрида эълон қилинган. Мурумби ўз илтимосига сабаб қилиб «соғлиғининг тобора оғирлашиб бораётганини» кўрсатган.

Жаксон хотирасига бағишланган совруни

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Ўзбекистон боксчиларининг Самарқандда ўтказилган шахсий биринчилиги мусобақасида СССРда хизмат кўрсатган тренер, америкалик Сидней Л. Жаксон (1886—1966 йиллар) хотирасига бағишланган совруни биринчи марта ўйналди. Тошкентлик 22 яшар спортчи Владимир Мин ана шу фахрий совруннинг биринчи бўлиб олишга муваффақ бўлди. У энг енгил вазндаги боксчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони номини олди.

Жаксон АҚШда, сўнгра эса, муҳожирликдан кейин Совет Иттифоқида ўз ҳаётининг қарийб 65 йилини боксни ривожлантириш ишига бағишлади. У энг енгил вазнда беллашар ва Нью-Йоркнинг энг кучли боксчиларидан бири ҳисобланар эди. Жаксон биринчи Жаҳон уруши арафасида америкалик ва инглиз боксчиларининг Лондонда ўтказилган матч учрашувида қатнашди. Ана шу мусобақалардан кейин у Россияга кўчиб келиб, ўз юртига қайтиб бормади. Спортчи 1917 йилги революцияни табриклаб, совет гражданлигини қабул қилди ва Қизил Гвардияга хизматга кирди ҳамда Ўзбекистонда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган жангларда қатнашди.

Кейинчалик Жаксон ўзининг бутун битмас-туганмас куч-ғайратини спортни ривожлантириш ишига бағишлади. Унга бокс бўйича Совет Иттифоқининг хизмат кўрсатган тренери фахрий унвони берилди. Сидней Жаксон шу йил январь ойида вафот этди. Унинг хотирасига бағишланган совруни ҳам ўша вақтда таъсис этилган эди. Бу совруни олиш учун ҳар йили мусобақа ўтказиб турилади.

КАШФИЁТЛАР, ЛОЙИҲАЛАР, ТАХМИНЛАР

● Жанубий магнит қутби соатига 2 метр «йўл босади». Бу олимларнинг музликлар қитъасида ўтказган кузатишлари натижасида аниқланди.

Геофизикларнинг тахмин қилишларича, Жанубий магнит қутби яқин келажакда Антарктидани тарк этиб, Ҳинд океанига «кўчиб келади».

Магнит қутблари ҳаракатининг аниқ ва тўла карталари энг аввало денгизда сузувчиларга зарурдир.

● Дунёнинг янги геологик картасини тузишга киришилди. У 22-халқаро геологлар Конгрессида ташкил этилган махсус комиссия томонидан тузилаётир. Карта 1968 йилда тайёр бўлиши керак.

● Довулнинг кучини олдиндан айтиб бериш мумкинми? Америкалик олим Майкл Гарстанг ана шу проблема устида ишлаяпти. Олимлар Атлантиканинг субтропик қисмида бўладиган довуллар кучини деярли бутун бир ой давомида кун сайин, соат сайин кузатиб бордилар. Олинган маълумотларни анализ қилгандан кейин Гарстанг довул пайтларида иссиқ субтропик сувлари ҳавога одатдагидан кўп энергия ажратиб чиқаради, деган хулосага келди. Гарстанг электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида довулларнинг математик моделини ишлаб чиқди.

Метеорологлар бу модель океан тўлқинлари билан атмосфера ўртасидаги энергия алмашишни аниқ белгилаш ва у ёки бу довулнинг интенсивлигини олдиндан айтиб беришга қодир бўлади деб умид қилмоқдалар.

● — Ерда топилган метеоритлардан кўпчилиги, — дейди Нобель мукофотининг лауреати, Калифорния университетининг профессори Гарольд Юри, — Ойдан келган «меҳмон»лардир.

Олим, таркибида углерод бўлган метеоритларни ҳам Ойдан келган деб ҳисоблайди. Агар шундай бўлса, қачонлардир Ойда сув бўлиб, унда карбонат ангидриди эриган бўлса керак.

● Пуэрто-Рико астрономлари Меркурийнинг «юриш-туриши»ни кузата бориб, ҳозиргача мавжуд фикрларга қарама-қарши ўлароқ бу планетанинг ўз ўқи атрофида айланиш даври унинг Қуёш атрофида айланиш давридан фарқ қилади, деган хулосага келдилар.

● Сиднейдаги Жанубий қутб музейига яқинда янги бир ажойиб экспонат — австралиялик олимлар топган 122 килограммлик қилич балиқ келтирилди. У Антарктиданинг асрий музликларида котиб қолган экан. Олимларнинг тахмин қилишларича, бу қилич балиқ юз минг йилдан кўпроқ илгари яшаган бўлишига қарамай, унинг ранги ва кўзларининг туси ўзгармаган.

(«ВОКРУГ СВЕТА»дан).

ҚЎПОЛ ТАЗЙИҚ

ПАРИЖ, 21 сентябрь. (ТАСС). Американинг Испаниядаги дипломатлари АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши чиқаётган испан интеллигенцияси вакилларига пўписа қилувчи хатлар юбормоқдалар.

Маълумки Испания жамоат арбобларидан бир неча юз киши шу йил 30 августда АҚШнинг Мадриддаги элчисига мактуб юбориб, «Америка қўшинларининг Вьетнамдаги ваҳшиёна ҳаракатларини» ва «Президент Жонсоннинг тинчлик ва халқаро хавфсизликка ҳамла қилишдан иборат ташқи сиёсатини» қоралаган эди.

ЮФИ агентлигининг хабар беришича, Испания демократик доиралари Америка дипломатик вакилларининг хатти-ҳаракатини прогрессив испан интеллигенциясига йўл қўйиб бўлмайдиган тазйиқ ва ҳужум қилишнинг усгинаси, деб баҳоламоқдалар.

Ванденберг базасида портлаш

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). «Минитмэн—1» қитъалараро баллистик ракетаси 20 сентябрда учирилганидан кейин дарҳол портлади ва Ванденберг базасида бир неча жойда кичик ёнғин чиқарди. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбири АҚШ ҳаво кучлари қўмондонининг баёнотига асосланиб, бу тўғрида хабар қилди.

Ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондонлигига маълум бўлишича, портлаш ёки ёнғин натижасида бирон киши зарарланмаган. Портлаш сабаби ҳозирча маълум эмас.

СИЧҚОНДАН ҚЎРҚИНЧЛИРОҚ ЙИРТҚИЧ ЙЎҚ

Америка газеталарида фанлар кенжаси—бионика ютуқларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш истиқболларига бағишланган шов-шув кўтарадиган мақолалар тез-тез босилмоқда. Илм-фан ютуқларини Пентагон хизматига тўла сафарбар қилиш ижодкорлари шоди хуррамлигини ақлирасо газетхонлар қўллаб-қувватламаса керак. Яқинда Англияда чиқадиган «Нью сайентист» илмий-оммабоп журнали дабдабали ёзувчилар устидан кулиб мақола эълон қилди.

Газета ноҳанглари ҳозир «джиай» дан ҳам янгироқ нарсаларни излашмоқда. Вьетнамда қоровул хизмати олиб бориш учун тахта каналар сафарбар этилгани тўғрисидаги хабарлардан сўнг «ўлимга маҳкум қилинган» дельфинлар тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. АҚШ ҳарбий-денгиз флоти учун тадқиқот ишлари олиб бораётган олимлар дельфинларни алюминий билан мисни бир-биридан ажратишга ўргатдилар. Шубҳа йўқки, агар уларнинг бу қобилияти янада ривожлантирилса дельфинлар махсус металл ямоқларига қараб «ўзларининг» сув ости кемаларини таниб олишлари мумкин. Бундай ямоқлари бўлмаган сув ости кемаларига портловчи моддаларни тортиб юришга ўргатилган дельфинлар-камикадзелар эскадрильяси ҳужумига дуч келади.

Шубҳасиз ўз навбатида душман ҳам дельфинларга қарши кураш олиб бориш учун дельфинларни ўргата бошлайди. Бироқ биз сув ости кемаларига қарши кураш билан шуғулланишга қарор қилган эканмиз, бу ҳолда уларга электр илонбалиқларни юборганимиз маъқул. Боқилган ва етарлича заряд берилган илонбалиқлар ҳатто отларни ҳам йиқитишга қодир. Бирининг думига бири ёпишиб (манфий заряд қилинган орқадаги илонбалиқнинг боши мусбат заряд қилинган илонбалиқнинг думига ёпишиб олади) сузишга ўргатилган бир неча минг ана шундай илонбалиқ хоҳлаган сув ости кемасини кучли заряд билан тешиб юбориши мумкин.

Бизнинг жамоат биноларимизни ифлос қилаётган паррандалардан ҳам фойдаланса бўлади. Душманнинг ҳарбий министрликларига кўп миллионли паррандалар тўдаси учириб юборилса, улар бу биноларни бир дақиқадаёқ парранда гунгига кўмиб қўяди. Мияга юборилган электродлар томонидан бошқариладиган йўналиш бўйлаб, ер кавлай оладиган юмронқозиқлар ҳам ишга яраб қолар. Агар уларга етарли вақт берилса, ҳатто хоҳлаган чегара кўриқлаш минорасини ҳам емириб ташлайди. Мутлақо табиийки, жирафлар баланд деворлар ортида туриб ҳамма нарсани кўра олади. Уларга табиат ана шундай хусусият бахш этган. Албатта уларнинг тишларига жуда ҳам кичик телевизион камералар ўрнатилиши керак. Сариқ чумолилар ҳеч ким бажара олмайдиган ишни — ер остидаги жарликлардаги кишиларни йўқотишга қодир. Ўргатилган сичқонлар эса хотин-қизлардан ташкил этилган хоҳлаган ҳарбий бўлинма билан жанг пайтида ҳеч кимга кўринмасдан пайпоқлар бўйлаб юқори кўтарилиш қобилиятига эга.

Ҳа, жонли қуроллар — тадқиқотчилар учун жуда ҳам самарали фаолият манбаидир. Вақт ўтиши билан паст табақали ҳайвонлар олий табақадагилардан ҳарбий ҳаракатлар қилишнинг барча формаларини ўзлаштириб олишлари мумкин. Шунда олий табақадагилар (яъни кишилар) ўз мияларини бир-бирини йўқотишнинг янги усулларига қараганда кўпроқ фойда келтирадиган бирор нарса вужудга келтириш учун ишлага бошлайдилар.

(«НЕДЕЛЯ»дан).

ОБ-ХАВО

Республиканинг жанубида ва Фарғона водийсида ҳаво булут бўлиб турса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Бошқа областларда ҳаво очиқ бўлади, секундига 3-7 метр тезликда эсаётган шамол оқими ўзгариб туради. 22-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, кечаси 7-9, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт (бадиий ҳаваскорлар). 9.30 — Дутор тароналари (Зокиржон Обидов). 10.10 — Вокал ансамбли. 10.55 — Медицина ҳамма учун (рус.). 11.10 — Кибернетика инсон хизматида. 11.25 — Концерт (ёш артистлар). 12.15 Топишмоқли концерт. 12.50 — Гуллаётган чўл (рус.). 13.30 — Концерт (Арман эстрада артистлари). 16.15 — «Қадимги Франция қўшиқ ва рақс куйлари». 17.00 — Концерт. 18.10 — Духовой оркестрлар концерти. 18.30 Романслар. 19.20 — Социализм мамлакатлари куйлари. 20.00 — «Янги қурилган корхоналарда» (рус.). 20.10 — «Венгерские мелодии» ансамбли. 20.45 — «Сурхондарё янги беш йилликда». 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Дунё воқеалари. 22.10 — «Карвон келди» (адабий-музикали композиция). 22.40 — «Имон» спектаклидан саҳналар. 23.20 — Концерт (дала меҳнаткашлари талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.20 — **Қизил елканлар** (ёшлар учун). 19.00 — **Д. Шостакович** (туғилган кунининг 60 йиллиги олдидан). 20.00 — **Реклама ва эълонлар.** 20.10 — **Тарвуз карвони** (телефильм).

20.40—**Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар.** 21.00 — **Пахта далаларидан дараклар.** 21.20 — **Харитада бўлмаган шаҳар** (телефильм). 21.40 — **Парторгнинг иш куни** (телеочерк). 22.00 — **Иванна** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Эртак** (болалар учун). 17.45 — **Ярим кун** (телефильм). 18.45 — **Бир йилнинг ўн куни** (бадиий фильм). 19.45 — **Тошкент янгиликлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IX да **Парвона**, 24/IX да **Мирзо Улуғбек.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1966/67 йилги йигирма еттинчи

ТЕАТР МАВСУМИНИНГ ОЧИЛИШИ

24 сентябрда М. Ашрафий

ДИЛОРОМ

4 пардали опера

К. Яшин ва М. Муҳамедов либреттоси.

Спектаклда: СССР халқ артисти **С. Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **С. Ярашев, Н. Ҳошимов, Ж. Низомхўжаев, К. Юсуповалар** қатнашади.

Дирижёр — СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий.**

25/IX да — кундуз **Этик кийган Мушук.** 4 пардали опера.

25/IX да — кечқурун **Дон Жуан**, 3 пардали балет.

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 7 да бошланади.

ЎРТА ОСИЁ ТАБИИЙ ГАЗ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ — «СРЕДАЗНИИГАЗ»

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лабораторияларнинг старший илмий ходимлари: гидрогеология ва гидрохимия, газ ва конденсат конларини ишлаш, иқтисодий текширишлар, металлургия ва машинасозлик саноатида газдан фойдаланиш лабораторияларига.

Конкурсда фан кандидатлари, кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий асарлари ва ихтиролари бўлган инженерлар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 1 ой.

Аризага қадоларни ҳисобга олиш варақаси, 2 та фотокарточка, таржимаи ҳол, характеристика, илмий асарлари ва ихтиролари рўйхати, нотариус тасдиқлаган диплом қўшиб берилади.

Адрес: Тошкент шаҳар-115, Муқимий кўчаси, 98-уй.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 4 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси 70-уй. Фанлар академияси президиумининг катта конференц-зал фойеси)

Ғ. Рашидов — тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Социалистик Тошкент тарихи (1917 — 1941 йиллар)» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 4 октябрь кундуз соат 2 да СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида (Генерал Петров кўчаси, 51-уй, институтнинг конференц-зали)

К. Тўлаганова — медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Медицина кўрсатмалари бўйича ҳомиладорликнинг сўнгги даврларида ҳомила боришини оусишдаги баъзи методларнинг солиштирма баҳоси» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1966 йил 5 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй. Физика-техника институтининг конференц-зали).

В. Г. Винокуров — физика-математика фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Сепарабель бўлмаган ўлчовли фазолар» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

БИРЛАШГАН НАШРИЁТ ЁЗУВ, БОСМАХОНА ВА БОШҚА ХИЛ

ҚОҒОЗНИНГ

турли форматдаги

ҚИРҚМАЛАРИНИ

ҳар тоннаси 80 сўмдан

СОТАДИ

Қоғоз ҳақи перечисление тартибида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, қоғоз бўлими. Телефон В-3 57-09, коммутатор В-3-02 49 — 02-58, қўшимча телефон 3-24

«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

прессчилар, штамповкачилар, қирқувчилар, шу касбларга шогирдлар, ковшевойлар, нажданчилар, заливщиклар, пўлат эритувчи ёрдамчилари, пўлат эритувчилар, электросваркачилар, электромонтёрлар, составителлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, саноат ускунасини ремонт қилувчи слесарлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳар, Ленин кўчаси, 92-уй, кадрлар бўлими (эрталаб соат 11 дан кундуз 2 гача).

«Трансэнергомонтаж» трестининг

7-ЭНЕРГОМОНТАЖ ПОЕЗДИГА

ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи,

электр узатиш линияларини қуриш, подстанцияларни монтаж қилиш, шунингдек автоматика ва подстанцияларнинг электр ускунасини монтаж қилишга доир

прораблар ва мастерлар

тракторчилар, кранчилар, шофёрлар, электромонтёрлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-5, Куйбишев шоссе, 46-уй.

«СТАЛЬМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

ишлаб чиқариш, техника ва лойиҳалаш бўлимлари инженерлари, металл конструкциялар ва йиғма темир-бетон монтаж қилувчи мастерлар ва прораблар, сварка лабораториясига лаборант-техниклар, механиклар, металл конструкция ва йиғма темир-бетон монтажчилари, электросваркачилар, кранчилар, тракторчилар, шогирдлар, слесарлар, шофёрлар

КЕРАК

Мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 19-уй, кадрлар бўлими.

ЛЕНИН РАЙОН ПИШЧЕТОРГИГА

уборщицалар, сотувчи шогирдлар, сотувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 32-уй. Ленин район пишчеторги, кадрлар бўлими.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 217. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08740.